ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 3 март, шанба № 28 (2285)



Икром ҲАСАНОВ олган сурат

*Ҳар кимнинг ўз кутган орзулари бор…*

Шу сонга хабар

***Кеча Қаршида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ижроия қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.***

***Йиғилишни Федерация кенгаши раиси Д.Жаҳонгирова бошқарди. Унда Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг йиллик иш фаолияти таҳлил қилиниб, Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги Президентимиз маърузасида қўйилган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди.***

## Долзарб вазифаларга бағишланди

Вилоятда Республика касаба уюшмаларининг IV Қурултойи қарорлари ва Ҳаракат Дастурини бажариш соҳасида муайян ишлар амалга оширилди. «Ижтимоий ҳимоя йили» дастури асосида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилаяпти. Воҳада 1896 та бошланғич ташкилотлар бўлиб, улар ўз сафларида 542 минг 300 нафар касаба уюшма аъзоларини бирлаштирган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим тармоқ кенгашлари, вакилликлар ва бошланғич ташкилотларнинг фаолиятида жиддий камчиликлар мавжуд.

Қуйи бўғинларда Ўзбекистон касаба уюшмалари IV Қурултойи ва Ҳаракат дастури, юқори ташкилотлар қарорларининг ижроси талаб даражасида эмас. Жамоа шартномаларининг бажарилиши, экспертиза қилиш, иш ҳақидан қарздорликни тугатиш устидан қатъий назорат ўрнатилмаган.

Кейинги йилларда вилоятда касаба уюшма аъзолари сони камайиб кетганлиги, мавжуд 57 та қўшма корхонадан 28 тасида жамоа шартномалари тузилмаганлиги, иш ҳақидан 15 миллиард сўм қарздорлик мавжудлиги, сиҳатгоҳларга йўлланмалар тарқатиш соҳасида кўзбўямачиликка йўл қўйилаётганлиги танқид остига олинди. Кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жойига қўйишга эътибор суст. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, қурилиш ва қурилиш ашёлари, автомобил, дарё, автотранспорт ва йўл хўжалиги касаба уюшмалари вилоят вакилликлари, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши ва унинг тасаррруфидаги ташкилотлар ўз иш услубини такомиллаштириб, бошланғич ташкилотлар билан алоқани мустаҳкамлашлари лозим.

Йиғилишда сўзга чиққан Федерация кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М.Содиқов, ташкилий ишлар бўлими мудири В.Кочкаров, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими мудири М.Исаев, молия бўлими мудирининг ўринбосари А.Асадов, ижтимоий суғурта бўлими мудирининг ўринбосари Р.Верешчагина, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Э.Ражабовлар йўл қўйилаётган камчиликларни қайд этиш билан бирга, бу хатоликларни бартараф этиш, юзага келган муаммоларнинг ечимини топиш хусусида тўхталдилар.

Йиғилиш сўнгида республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Д.Жаҳонгирова жамиятни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида касаба уюшмалари олдида турган вазифалар ҳақида нутқ сўзлади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Халқаро турнир

## Дунё полвонлари Тошкентда

***1 март куни пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича Олтин Гран При туркумига кирувчи «Ўзбекистон мустақиллиги кубоги» анъанавий халқаро турнири бошланди.***

Мусобақанинг нуфузини унинг Олтин Гран При туркумига кирганиёқ кўрсатиб турибди. Бу йил 10 - бор ташкил этилаётган мазкур халқаро турнирга ҳам дунёнинг энг кучли курашчилари ташриф буюришди.

Мусобақанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Рустам Қосимов иштирокчиларни қутлаб, турнирнинг кучли спортчиларнинг камолга етишида ҳиссаси беқиёс бўлаётганини таъкидлади. Айнан эркин ва юнон-рум кураши бўйича Мустақиллик йилларида юртимиздан бир нечта жаҳон ва Олимпиада чемпионлари ва совриндорлари етишиб чиққанига урғу берди. Халқаро спорт курашлари Ассоциациялари федерацияси президенти Рафаэл Мартинетти эса ўз сўзида Ўзбекистонда спортнинг ривожига ҳукумат томонидан катта эътибор берилаётганини ва шу жумладан, эркин ва юнон-рум кураши ривожи ҳам анча юқори эканлигини айтиб ўтди.

Эслатиб ўтамиз, 1-4 март кунлари ўз ғолибларини аниқлайдиган ушбу халқаро турнирда полвонлар еттита вазн тоифасида гиламга чиқишмоқда. АҚШ, Нигерия, Финляндия, Россия, Украина, Хитой, Жанубий Корея, Грузия, Озарбайжон, Қирғизистон, Арманистон, Қозоғистон каби йигирмага яқин давлатларнинг энг кучли полвонлари томошабинларга қизиқарли кураш баҳсларини тақдим этишмоқда. Курашчилар сафида бир неча нафар Олимпиада ва жаҳон, Европа чемпионларининг борлиги ҳам курашларнинг кескин бўлишидан далолат бермоқда.

Ўз навбатида ўзбекистонлик эркин ва юнон-рум курашчилар ҳам терма жамоамиз ҳисобига медаллар шодасини туҳфа этишни бошлаб юборишди.

Халқаро турнир якунлари билан батафсил кейинги сонда танишасиз.

**Ўз мухбиримиз**

*Шанба ҳикмати*

*Мен кўп нарсаларни устозларимдан ўргандим, яна кўпроғини ўртоқларимдан, аммо ундан ҳам кўпроғини шогирдларимдан ўргандим.*

| МАРКАЗИЙ БАНК АХБОРОТИ | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 1 Австралия доллари 985,14 | 1 БАА дирҳами 338,61 | 1 ЕВРО 1640,28 | 1 Хитой юани 160,62 | 1 Турк лираси 900,70 |
| | 1 Англия фунт стерлинги 2442.57 | 1 АҚШ доллари 1243,86 | 1 Россия рубли 47,39 | 1 Кувайт динори 4302,23 | 1 Япон иени 102,91 |

# Хабарлар

***Келажак авлодни она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашда миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Фарғона вилоятида бу борада хайрли ишларга қўл урилмоқда.***

## ФАРЗАНДЛАР ИСТИҚБОЛИДА ЮРТ РАВНАҚИ

**Ўтган йилнинг охирларида вилоят Халқ таълими бошқармаси ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ўқув муассасаларида ўқувчи ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида қўшма қарор қабул қилган. Унда вилоят таълим муассасаларида семинар ўқувлари ўтказиш, «Энг намунали маънавий-маърифий ишларни ташкил этаётган Халқ таълими бўлимлари» кўрик-танловини уюштириш каби вазифалар белгиланган эди.**

**Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан амалий ишлар юз кўрсата бошлади. Таълим муассасаларидаги маънавият хоналари турли керакли адабиётлар билан тўлдирилиб, замонавий талаблар асосида қайта жиҳозланди. Тизимдаги кутубхоналарда, таълим муассасаларида «Тинч, осуда ҳаёт ўзимиз учун, миллатимиз учун керак», «Соғлом тафаккур ҳар биримиз учун» мавзуларида кўргазмалар ташкил этилди. Юртимизнинг ардоқли инсонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувлар ташкил қилинмоқда. Мактаб, коллеж ва лицейларда ҳафтанинг ҳар чоршанбаси «Маънавият куни» деб эълон қилинган. Бу кунларда педагоглар жамоаси ҳамда ўқувчилар вилоятнинг диққатга сазовор жойларида, театр ва кинотеатрларда вақтларини мазмунли ўтказмоқдалар.**



**Яқинда Марғилон шаҳридаги умумтаълим мактабларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мактабгача таълим муассасалари ходимлари, касаба уюшма қўмиталари раислари иштирокида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарали йўлга қўйишга бағишлаб ўқув семинари ўтказилди.**

**— Миллий ғояни ёшлар қалбига сингдириш тўхтовсиз давом этадиган жараёндир, — дейди вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси С.Сайидхўжаев. — Ушбу йўналишда уюштирилаётган тадбирларда ўғил-қизларимизда миллий фахр туйғусини уйғотишга катта аҳамият қаратиляпти.**

**Улуғбек ИБОДИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШГАНДА

Ёшларнинг билим ва иқтидорини ўстириш, улардаги қобилиятни юзага чиқаришда турли қизиқарли тадбирларни уюштириш муҳим аҳамиятга эга. Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан ўтказилган «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг дастлабки саралаш босқичи ана шундай тарбиявий аҳамият касб этди.

Унда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Дизайн», Тошкент вилоят педагогика институтининг «Ангрен полвонлари», Нукус Давлат университетининг «Турон» ва Тошкент тиббиёт академиясининг «Адреналин» жамоалари ўзаро беллашдилар.

Ёшларнинг қизиқарли чиқишлари, топқирлиги ва ижро маҳорати томошабинларда катта таассурот қолдирди. Уларда ёшликка хос кучли интилиш, ҳаракатчанлик ҳамда ҳаётга ташналик сезилиб турди.

Кўрик-танлов якунида ҳакамлар ҳайъати томонидан «Турон» жамоаси ғолиб деб топилиб, кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритди.

**Бекмурод ШЕРМАТОВ,**
**ЎзМУ талабаси**

Миллий бойлик

***Ўзбекона лутф, ўзбекона мулозамат... Бу — куни кеча пайдо бўлган тушунчалар эмас. Балки миллатимизнинг асрлар оша сайқал топиб келаётган қадриятидир. Дарҳақиқат, ўзга миллат вакилларини камситмаган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, тилимизда ўзимизга нотаниш, исмини билмайдиган инсонларга мурожаат этиш учун бир қанча жилвагар сўзлар***

# Дилкашлик ортидаги дилғашлик

— Қани, тақсир, мана бу ерга ўтиринг, — дейди автобусда бир кекса киши ўзи каби нуроний отахонга.

— Ошна, олма қанчадан экан? — сўрайди харидор йигит ўзи билан деярли тенгдош бўлган сотувчидан.

— Дугонажон, Нигорахоннинг уйларини қидираётгандим, мабодо кўрсатиб юборолмайсизми? — илтимос қилади борар манзилидан бироз адашган ёшгина аёл кўча супураётган келинчакдан.

Шу каби муносабатларни кузатар экансиз, жамоат транспортида кундакунора қулоғингизга чалиниб турадиган «Женщина, будете выходить?» ёки «Мужчина, дайте пройти» каби жумлалар беўхшов туюладию, дилингиз қувончдан ҳаприқади. «Хайрият, — дея ўйлайсиз шукроналик билан. — Бизда ҳам одамлар бир-бирларига шунга ўхшаб «эркак» ёки «аёл» деб мурожаат қилсалар нима бўларди?!»

Лекин тилимизда жилвагар, кўнгилни хушловчи сўзлар етарлича бўлса-да, уларни кундалик ҳаётимизда тобора кам қўллаётганимиз, аксарият вақтларда эса улардан нотўғри фойдаланишимиз оқибатида дилкашлик дилга ғашлик солиб қўяётгани кишини ташвишлантирмай қўймайди.

Яқинда «Чорсу» бозорида бир сотувчи йигитнинг харидор — ўттиз ёшлар чамасидаги аёл билан айтишиб қолганига гувоҳ бўлдим. Низога ана шундай мулозамат сўзлардан бири — йигитнинг аёлга «келинойи» деб мурожаат қилгани сабаб бўлганди.

Шукурки, низо узоқ давом этмади, аёлнинг ҳамроҳи: «Қўй, ўзингни бос, савдогар аҳли сенинг дардингни ҳис этармиди, уларнинг дарди-хаёли молини ўтказиш, бунинг учун керак бўлса шайтонни ҳам тоға дейди», — дея дугонасини етаклаб олиб кетди-ю, жанжал барҳам топди.

Аёлнинг ҳамроҳи томонидан савдогарга берилган сифатни мутлақо нотўғри деб бўлмайди. Бу — бироз кўполроқ ташбеҳ, бироқ унинг замирида ҳақиқат мавжуд. Чинданам, савдогарнинг асосий мақсади маҳсулотини сотиш, шунинг учун, агар вазият талаб этса, кўпол муносабатга ҳам хушмуомалалик билан жавоб қайтариши шарт («Мижоз ҳамиша ҳақ» шиори бежиз юзага келмаган.) Аслида сотувчи йигит мижозга хушмуомала бўлиш қоидасига амал қилган ҳолда аёлга «келинойи» деб мурожаат қилган. Шунинг учун уни айбдор санаш, бир томондан, адолатли эмас. Шу боис аёлнинг йигитга: «Нега «келинойи» дейсиз, мени акаларингиздан бирига олиб берганмидингиз?» — деганини у томонидан қилинган кўполлик деб баҳолаш мумкин. Бироқ масаланинг иккинчи жиҳати борки, у йигитнинг айбдорлигини кўрсатиб бера олади.

Агар бироз мушоҳада юритсак, низонинг асл сабаби ойдинлашади. Бунда бизга аёлнинг ҳамроҳи томонидан тилга олинган «дард» сўзи очқич вазифасини ўтайди. Демак, қандайдир дарди борлиги боис ўттизга кириб-кирмаган аёлда «келинойи» сўзига нисбатан «аллергия» пайдо бўлган ва йигитга юқоридаги жавобни қайтарган. Шундай экан, бу дард, раҳматлик шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг сўзлари билан айтганда, аёлнинг тенги топилмай ўтаётган ҳилол эканлигида, дея тахмин қилиш ҳақиқатга яқин бўлади.

Шу тахминга асосланган ҳолда мулоҳазамизни давом эттирсак. Маълумки, «келинойи» деб ака, амаки ёки тоғанинг рафиқасига мурожаат қилинади. Ёши ўттизга яқинлашиб қолган бўлса-да, турмушга чиқмаган қизларга аксарият кишиларнинг қандай муносабатда бўлишини эса барчамиз яхши биламиз. Шундай экан, юқорида қаламга олинган низода аёлни (аслида қизни десам ҳам нотўғри бўлмайди) айбдор санаш адолатдан эмас. Чунки сотувчи йигитнинг «келинойи» деган мурожаатни ўринсиз қўллаши таниш-билишларининг таъналарига зўр-базўр чидаб келаётган қизнинг дардини янгилаган ва натижада у йигитга айнан шундай жавоб қайтарган.

Шахсан мен йигитлар томонидан бегона аёлларга «келинойи» дея мурожаат қилинишини мутлақо ёқламайман. Менимча, ўзидан ёши катта нотаниш аёлларга «опа» дея мурожаат қилиш «келинойи» дейишдан кўра минг карра афзал. Биринчидан, бундай мурожаат ҳатто укаси ёки синглиси йўқлигидан маълум даражада ўксинган аёлни ҳам ранжитмайди. Чунки ўзбекона тарбиямизда мавжуд бўлган бир жиҳат, яъни фарзандларни болаликдан ўзидан катта қизларга «опа» дея мурожаат қилишга ўргатиш одати боис инсон кичикликидан бу сўзга кўникиб улгурган бўлади. Бундан ташқари, «опа» дея қилинган мурожаат нотаниш инсонлар ўртасида ҳам бир-бирига яқин кишиларга хос ўзаро меҳр туйғусини уйғотиш қудратига эга. Иккинчидан, бегона, аммо бизга таниш (масалан, ҳамкасбимиз) бўлган аёлларнинг исмига «опа» деган сўзни қўшган ҳолда мурожаат қилмаймизми, ахир?! Аёлларнинг исмини биладиган тақдиримизда «Фалончи опа» дея мурожаат қилсагу, нотанишларга «опа» сўзининг ўзини қўлласак, менимча, хато бўлмайди. Ўзимиз билмаган ҳолда уларни ранжитиб қўйиш эҳтимолининг ҳам олдини олган бўламиз.

Сўнгги вақтларда йигитларимиз томонидан қизларга нисбатан қўлланилаётган «яхши қиз» бирикмаси ҳам кишининг ғашини келтиради. Чунки бу бирикмадан асосан чапани йигитлар қизларга гап отиш мақсадида фойдаланишганини яхши била туриб, уни қўллашдан ўзимизни тия олмаяпмиз. Аслида «яхши қиз» бирикмаси бирор бир қизга нисбатан берилувчи сифат («Фалончи — яхши қиз») саналади. Бироқ унга мурожаат шаклини бериш, назаримда, ўзига ярашмаган кийим кийган инсон каби беўхшов кўринади.

Мақоламиз бошида русийзабон кишиларнинг нотаниш инсонларга қандай мурожаат қилишларига қисман тўхталган эдик. Айни пайтда яна ўша фикримизга қайтсак, мақсадга мувофиқ бўларди, чамамда. Улар нотаниш қизларга «девушка» дея мурожаат қилишларини ҳам, бу сўз ўзбек тилида «қиз» деган маънони англатишини ҳам билсангиз керак. Демак, йигитларнинг «яхши қиз» деган мурожаатлари русийзабон кишиларнинг нотаниш инсонларга уларнинг жинсини таъкидлаган ҳолда мурожаат қилишлари каби нотўғри ҳолат, дея ҳисоблаш асослидир. Ахир, тилимизда мавжуд бўлган «синглим» сўзини нотаниш қизларга нисбатан қўллашнинг нимаси ёмон?!

Эҳтимол, ушбу мулоҳазаларим кимларгадир тирноқ остидан кир излашга ўхшаб туюлар. Аммо масаланинг кўпчиликка ноаён бўлган бир жиҳати ҳақида сўз юритилса, эҳтимол, аксарият ўқувчиларга ушбу мақолани қоралашдан кўзлаган мақсадим ойдинлашар. Гап шундаки, биз ўзимиз билмаган ҳолда мен таъкидлаган «опа» ва «синглим» сўзларини нотаниш аёлларга нисбатан қўллаяпмиз ҳам, лекин... афсуски, ўзбек аёлларига нисбатан эмас...

Келинг, ушбу фикрим исботи учун ўзим гувоҳ бўлган низодан кейинги ҳолатни ҳам қисқача тасвирлаб берай. Аёлни ҳамроҳи олиб кетгач, йигит «Тавба, ҳозирги аёлларга ширин сўз ҳам ёқмайди», — дея сўзлаб ўтган воқеага «холис» баҳо берди-ю, яна савдосини давом эттираверди. Мен беихтиёр савдогарнинг харидорлар билан муносабатини кузата бошладим. У ҳақиқатан ҳам муомалани ўрнига қўярди. Ёши каттароқ аёлларга «келинойи», қизларга «яхши қиз» дея мурожаат этаётган йигит ҳатто русийзабон харидорларни ҳам хафа қилмас, ширинсуханлик билан уларни «сестра» дея атарди...

Энди эътиборимизни рус тилидаги «сестра» сўзига қаратайлик. У вазиятга қараб ўзбек тилига «опа» деб ҳам, «сингил» деб ҳам таржима қилиниши мумкин. Бундан «ширинсухан» савдогар йигитимиз, халқимиз таъбири билан айтганда, бировнинг дўпписини ўзга кишига кийдираётган экан, деган хулосага келишимиз мумкин эмасми?!

Агар мулоҳазаларим кескинлашиб кетаётган бўлса, муҳтарам ўқувчилар мени маъзур тутишсин. Аммо айни чоғда яна бир ҳақиқатни сизга етказишим шарт. Миллатимизнинг бой маънавияти, қадриятлари ҳақида кўп гапиряпмиз. Мустақилликка эришганимиздан сўнг уларнинг янада сайқаллашаётгани, тобора ўзлигимизни таниб бораётганимиз ҳақидаги мулоҳазаларимиз ҳам таҳсинга сазовор. Лекин айрим ҳолда, айниқса, бугун камина қаламга олган ҳолатда-чи?! Биз асрлар оша сайқал топиб келган қадриятимизнинг ўзига хос бир қиррасини саналмиш муомала маданиятимизга қандай эътиборда бўляпмиз?!

Агар мен шундай «дилкашлик»нинг дилга ғашлик солаётганини айрим кишиларнинг инсонлар қалбига ўзи сезмаган ва билмаган ҳолда озор етказиб қўяётгани билангина ўлчаш ниятида эмасман (гарчи бу ҳам эътибор талаб этилувчи жиҳат саналса-да). Балки била туриб, ҳис эта туриб, тушуна туриб муомала маданиятимиз илдизига урилаётган болта зарбасини назарда тутяпман. Негаки, савдогар йигит тимсолидаги юртдошларимизнинг «сестра» сўзининг маъносини билмасликларига негадир сира ишонолмаяпман...

**Маъруф ТОШПЎЛАТОВ,**
**журналист**

# Хатлар — ҳаёт ойнаси

## Газета ва газетхон

### Мулоҳаза

***Табиий газ ва электр энергиядан узилишлар бўлаётгани гоҳ-гоҳ қулоққа чалиниб қолади. Бирови соҳадагиларни масъулиятсизликда айбласа, бошқаси заҳира етишмаётганлигини айтади. Аслида-чи?***

# ҲИСОБЛИ БОЙЛИК — ЎЙЛАМАЙ САРФЛАНМАСИН

Қишнинг айни чилласида Марғилон шаҳри аҳолиси табиий газ босими пастлигидан бироз азият чекди. Мутахассислар ҳақиқий аҳволни таҳлил этишганида унинг сабаблари аёнлашди, яъни меъёрдаги маҳсулотдан ноқонуний ва ўзбошимчалик билан фойдаланганлик натижасида бир кеча-кундузда истеъмолчилар эҳтиёжи учун 1000 куб метр газ ўрнида 1200 куб метр — аниқроғи 200 куб ортиқча сарфланган.

Бир нарса кишини ўйлантиради. Республикамизда 200 га яқин туман ва шаҳарлар бор. Ўртача ҳар куни уларнинг ҳар бирида шунчадан маҳсулот яширинча ва ортиқ сарфланаверса бир ойда, йилда бу қанча бўлишини тасаввур этиб кўринг-а! Энг ачинарлиси, кўр-кўрона ноқонуний фаолиятга қўл ураётганлар шундоққина ёнимизда, маҳалламизда яшашади. Қўшнимизга истиҳола қиламиз-у, халқимиз бойлиги барбод бўлаётганига ичимиз ачимайди.

Шу муаммони ўйлаб, битта таклифни ўртага ташламоқчиман. Маълумки, хонадонларда ўрнатилаётган газ ўлчагичлар 2 та гайкага қотириб қўйилади. Шу пайтгача унинг бир чети муҳраланиб қўйиларди. Бироқ баъзилар ана шу муҳрни бузиб, газни истаганича сарфлаётгани аниқ бўлиб қолди. Фикримча, ҳар иккала гайкалар муҳрланса, уни ҳеч ким ўзгартиролмаслиги тайин. Буни амалга оширишда ҳеч қандай маблағ ҳам, вақт ҳам талаб этилмайди. Албатта, бу истеъмолчининг таклифи, холос. Мақсад ягона — ҳисобли бойлигимиз беҳисоб сарфланмаслиги учун барчамиз масъул бўлишимиз керак.

**Пўлатжон РАҲИМОВ,**
**Марғилон шаҳри**

### Ҳунар — зар

***Яккабоғлик Севара Элмирзаева ҳунар ўрганиш учун Қарши шаҳридаги қисқа муддатли курсга ўқишга борганида келажакда ўзининг хусусий цехи бўлиши, тадбиркорлик қилиб, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришини ўйлаб ҳам кўрмаганди.***

# МАҲСУЛОТИ АҲОЛИГА МАНЗУР

**— Касаначиликни ривожлантиришга оид ҳукумат қарори ва туман мутасаддиларининг бу соҳага эътиборни кучайтиргани фаолиятимизни шакллантириб олишимизга имкон берди, — дея таъкидлайди у.**

**Айни пайтда «Акмал Озод» хусусий корхонаси тасарруфида меҳнат қилаётган ўн нафардан зиёд хотин-қизлар қўлида сайқалланаётган бир неча турдаги миллий либос ва болаларбоп кийим-кечак сифатлилиги ҳамда бежиримлиги билан аҳолига манзур бўлмоқда.**

**Ўтган даврда ишлаб топилган маблағ ҳисобидан қўшимча цехлар қурилди. 4 та кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди ҳамда яна 8 нафар кишига иш ўрни яратилди. Ижтимоий ҳимоя йилида жамоанинг бир талай режалари ҳам бор: маҳсулот турини кўпайтириш ва ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш энг муҳимларидан. Бунга имкониятлар етарли. Масалан, ҳозирданоқ ўқув муассасалари ва корхоналардан буюртмалар қабул қилинаяпти. Бу ўзини ўзи иқтисодий таъминлашда асосий омилдир.**

**Хайрулла ТЎРАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти**

### Қарор ва ижро

***Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва улар фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қарори бўйича икки йил аввал Урганч давлат университети қошида 2-академик лицейга асос солинганди.***

# УЛАР ХОРИЖДА ЎҚИШАДИ

Ўтган даврда унинг негизи янада мустаҳкамланди. 1400 нафардан ортиқ ўқувчига университетнинг энг тажрибали фан мутахассислари бириктирилган. Шунингдек, илм даргоҳи моддий-техника базасини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, барча фанлардан лаборатория хоналари, компьютер бўлими, кутубхона, замонавий спорт иншоотлари ҳамиша талабалар хизматида.

Яратилаётган қулайликлар кўргазмали тушунтириш, муаммоли баён, изланиш ва тадқиқот каби ноанъанавий усулларни дарс жараёнида қўллаш имконини бераяпти.

АҚШнинг таълимни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фонди иқтидорли мактаб, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежи ўқувчилари учун грант ажратганди. Ана шу имконият лицейда таҳсил олаётган 110-гуруҳ ўқувчилари Баҳодир Бекметов ва Бекзод Турсунбоевга насиб этди. Ўтказилган танловнинг барча талаблари бўйича улар юқори натижаларни қўлга киритишди. Бундан ташқари, яна 12 нафар талаба физика, химия ҳамда ижтимоий фанлардан вилоят миқёсидаги олимпиадаларда иштирок этиб, совринли ўринлар соҳиби бўлишди.

**Ботир БОТИРОВ,**
**лицейнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари**

### Иқтисодиёт

***Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида «Элтекс» очиқ турдаги акционерлик жамияти ҳузурида ЮНИВЕР Ўзбекистон-Австрия-Бангладеш қўшма корхонасининг тузилганига ҳали кўп бўлгани йўқ.***

# ЭЛЛИКҚАЛЪАНИНГ ҲУНАРЛИ ЁШЛАРИ

Эндиликда ана шу корхонада 3 минг нафардан зиёд ёшлар доимий иш билан банд. Бу ерда дунё бозорида дадил рақобатлаша оладиган устки кийим-бош ишлаб чиқарилаяпти. Асосий маҳсулотлар хорижга экспорт қилинмоқда.

Шунингдек, мавжуд цехлар янги технологияга асосланган ускуналар билан мустаҳкамланаяпти. Жумладан, дазмоллаш цехига дастгоҳлар олиб келинди ва иситиш тармоғига қўшимча равишда «Parma» маркали қозонлар ўрнатилди. Тайёр маҳсулотга четдан талаб ортаётгани сабабли Италия ҳамда АҚШ лойиҳаси бўйича учта цех қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Эътиборлиси, дастлабки кезларда турли давлатлардан келган мутахассислар элликқальалик ёшларга касб-корлик сирларини ўргатишганди. Энди бунга эҳтиёж қолмади. Чунки жаҳон бозорини забт этаётган 10 дан ортиқ маҳсулотларни маҳаллий йигит-қизлар ишлаб чиқаришаяпти.

**Болтабой ЭРНАФАСОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси**

*Пушаймон бўлганга олдинги гуноҳини эслатма.*

**Яҳудий халқ ҳикмати**

### Ижтимоий ҳимоя

# САХОВАТ АКЦИЯСИ

Аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган давлат дастури бўйича жойларда хайр-саховат ишлари кенг қулоч ёзмоқда.

Яқинда Тошкент туманида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар, фермерлар ҳамда якка тартибдаги субъектлар фаол иштирок этишди. Қарамоғида ҳеч кими йўқ, болаликдан ногирон кишиларга тиббий дори-дармон ҳамда эшитгич мосламалари, аравачалар олиб берилди.

Туман «Халқ банки» жамоаси эса 73 нафар боқувчисини йўқотган кишиларнинг электр энергияси ва газдан бўлган 6,5 миллион сўмлик қарзларини тўлаб беришни ўз зиммаларига олди.

Умуман, пойтахт вилояти туманларида бу каби мурувват ишларини жонлантиришга алоҳида эътибор билан қаратилмоқда. Масалан, ўтган йили муҳтожларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий масалаларни рўёбга чиқариш учун 20 миллиард сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланганди. Ижтимоий ҳимоя йилида ҳам хайр-саховатга йўғрилган тадбирлар аввалгилардан кам бўлмаслигини мутасаддилар эътироф этишмоқда. Шу куни Тошкент туманида бошланган тадбир Бўка, Пскент, Оққўрғон, Бекобод ва Чиноз каби туманларда ҳам давом этди.

**Жасурбек НУРБОЕВ,**
**Тошкент вилояти**

### Миннатдорчилик

# УЙ ЎЗИМИЗГА НАСИБ ЭТДИ

Йиллар давомида меҳнат қилиб, рўзғордан орттирган маблағимиз ҳисобига Улуғбек номли фермер хўжалиги тасарруфида жойлашган «Пахтакор» қишлоғидан кичик бир ҳовли сотиб олгандик. Бироқ уйнинг собиқ эгаси ҳужжатларни расмийлаштиришни негадир ортга чўзаверди. Орадан уч-тўрт йил ўтгач, очиқчасига тазйиқ ўтказиб, оиламиз мулкини тортиб олди.

Ҳаётда ҳар хил одам бўларкан. Ана шу воқеанинг бошида турган баъзи кишилар бизни қўллаш ўрнига, адолатсизлик қилишди. Маҳалла фуқаролар йиғинига ва бошқа мутасаддиларга мурожаат қилиб кўрдик, фойдаси бўлмади.

Ўтган йил декабрда «Ишонч» газетаси таҳририятига хат орқали мурожаат қилган эдик. Таҳририят ва туман прокуратурасининг аралашуви билан адолат қарор топди, мулкимиз, ўз уйимиз қонуний равишда ўзимизга расмийлаштириб берилди. Мадатталаб инсонларга қўлини чўзганлардан миннатдормиз.

**Норинса АҲРОРОВА,**
**Қуйи Чирчиқ тумани фуқароси**

Омад калити — ўзингизда



# Ҳаётга кулиб боқинг

## У ҳам сизни кулиб қарши олади

***Агар инсон мияси фақат хотира ва тафаккур соҳиби бўлса, унинг компютердан нима фарқи бор?***

***Истайсизми, йўқми, сиз ўйлаш жараёнида ўз ҳаётингиз сценарийсининг муаллифига айланасиз.***

***Болаларимизга: «Ҳаммаси ўзингга боғлиқ" деб насиҳат қилиб туриб... ўзимиз ҳаётдан нолиймиз.***

***"Гумон имондан айиради" ёки ғайриихтиёрий онг мўъжизалари.***

***Ҳаётга кулиб боқинг, у ҳам сизни кулиб қарши олади.***

***Олдинга омадли қадам ташлаш учун аввало фикрларни янгилаш керак.***

***Арнолд Шварцнегер: «Мистер Жаҳон» унвонига эришмасимдан олдин ўзимни неча минг марта ғолиб деб тасаввур қилганман».***

Жиддий ўйлаб кўрганмисиз? Мия одамга фақат нимани ейиш, қачон ишлаш, чиройли гаплашиш, ўйлаш, тушунтириш, муаммони ҳал қилиш, хуллас, фақат ақлий фаолият ва ижод учун берилганми? Агар инсон мияси фақат тафаккур ва хотира соҳиби бўлса, унинг компютердан нима фарқи бор? Ҳа, ўзингни бир қурилмага ўхшатиш ғалати ва кулгили, аммо биз у каби гапирсак, ашула айтсак, ҳисоб-китоб қилсак, ёзиб-чизсак, ёдда сақласак... демак, машина ва жонзот оралиғидаги бир мавжудотга ўхшамаймизми? Йўқ, албатта. Аммо онгнинг тафаккур қилиш ва ҳис-туйғуларга берилиб яшашдан бошқа яна бир имконияти борки, бу нарса XXI аср муқаддимасида жуда кўпчилик учун янгилик бўлди.

Эътиқод ва ишончни мустаҳкамлашни мақсад қилган сўфизм адабиёти бугунги кунда ғарб психологлари томонидан фақат диний ва дунёвий камолотга эришиш йўли дебгина эмас, балки онг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш усули деб тан олинмоқда. Жумладан, Румийнинг «Ичингдаги - ичингдадур» иборасини амалий таҳлил этиб, машҳур ғарб олими Жон Кехо шундай дейди: «Ҳар бир фикр мияда шахснинг тақдирига бевосита таъсир этадиган ўчмас изини қолдиради. Истайсизми-йўқми, ўйлаётиб Сиз келажак ҳаётингиз сценарийсининг муаллифига айланасиз».

Буни қандай тушуниш мумкин? Айримлар ҳар бир инсон ўз тақдирини ўзи яратади дейди, ҳаммаси тақдирга боғлиқ ёки Аллоҳнинг иродаси дейди яна кимлар. Агар биз Парвардигори оламнинг қўлидаги бир қўғирчоқ бўлсак, нега у бизга онг ато этди?

***«Борига берилади, йўғидан бори ҳам олиб қўйилади»***
Евангелии 19:26.

«Биринчи бор бу фикрни ўқиганимда у менга ўта ноҳақликдек туюлганди,-деб ёзади Жон Кехо. — Аксинча, муҳтожга берилиб, бойдан олингани тўғри эмасми? Кўп ва хўб ўйлаб ҳаётни кузатгач, мен бу гапнинг теран маъносини англадим. Инсоннинг ўзига фикрлаш (ўйлаш ёки ният қилиш) орқали яхши ё ёмон яшашни танлов ҳуқуқининг берилиши энг юксак адолат-ку! Ҳар кимда танлаш ҳуқуқи бор экан, омадсиз тақдири учун одам фақат ва фақат ўзидан ўпкалаши керак».

Кехо назарда тутаётган танлов ҳуқуқи кимларгадир ишончсиз, шубҳали туюлиши ажабмас. Чунки ҳаётни ўзгартириш бизга боғлиқ бўлмаган жуда кўп шахслар ва жараёнларга боғлиқ деган фикр ва шунинг баробарида борига кўниб яшаш руҳияти кўпчиликнинг онгига шунчалик сингиб кетганки, ҳатто улар болаларига: «Ҳаммаси ўзингга боғлиқ,» — дейдилар-у, зум ўтмай ҳаётдан нолий бошлайдилар.

Мақсадига етган кино қаҳрамонлари экранда яшайди. Биз эса уларни томоша қилиш учунгина телевизор қаршисида михланиб ўтираверамиз. Нега? Чунки ҳамма ҳам қашшоқ дўсти бойиб кетиши-ю, омадсиз ҳамкорига бирдан бахт кулиб боқишига ё ўзининг худди ўша қаҳрамондек тақдир хўжайинига айланишига ишонмайди! Агар ишонганида, у аллақачон мурод-мақсадига эришган бўларди. Демак, омадлар йўлини боғлаб турган ягона ғов — бу шубҳа. «Гумон иймондан айиради» деган ҳадисни фақат ким ҳақдадир гумонсирашнинг оқибати ёмон бўлади деб эмас, умуман, ҳар нарсадан фақат ёмонлик кутиб шубҳаланиш инсонни ҳақиқатан ҳам ёмон оқибатларга олиб келишини тушунсаккина ҳикматнинг туб маъносини англаган бўламиз.

Ҳаётда мурод-мақсадига эришиш, муваффақиятли, тадбиркор, соғ, бир сўз билан айтганда, бахтли бўлиш учун на иқтидорли ва на бой бўлиш шарт эмаслигини ўз тақдири мисолида исботлай олган ғарб психологи Жон Кехо онгнинг чексиз имкониятларини кашф қилиш учун уч йил ўрмонда ҳаёт кечирди. Цивилизациядан йироқда - ҳеч қандай электр токи, телевизор ва иссиқ сувсиз, фақат биргина мия кучини ишга солиб яшаган олим инсоннинг ғайриихтиёрий онги мўъжизаларини кашф этди. Мантиқий ҳақиқатлар ожиз бўлганда бизни ҳамиша ҳам бошқариб турмайдиган, яъни ғайриихтиёрий онг ҳаётнинг ҳар қандай муаммоларини бемалол ҳал қила олишини олим назарий ва амалий исботлади.

«Агар ҳаётингизни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, одатий фикрлаш тарзингизни ўзгартиринг. Сиз бир вақтнинг ўзида битта вазиятга ҳам яхши, ҳам ёмон муносабатда бўлолмайсиз. Воқеаларга, жараёнларга ижобий ё салбий баҳо берасиз. Фикрлаш тарзингиз бора-бора мана шу алфозда одатий тус олади. Ҳаётингизни яхшиламоқчи бўлсангиз, ижобий фикр ва жўшқин ғоялар бузғунчи ўйлардан устун келишини доим назорат қилишингиз шарт. Ҳаётга кулиб боқсангиз, у ҳам Сизни табассум билан қарши олади. Ташқи шароитни ўзгартиришдан аввал ички муҳитни янгилаш шарт! Афсуски, кўпчилик олдин ташқи вазиятни ўзгартирмоқчи бўлади.

«Унутмангки, ўз қарашларингизни ўзгартирмай туриб, фақат одамлар, вазиятдан нолиш, уларни ёмонлайверишга кўниксангиз, умрингиз зое ўтиб кетганини билмай қоласиз. Омад, соғлик, бойлик ва бахт ҳақида ўйлаганда, уларга эришиш билан боғлиқ бўлган ташвиш ва қўрқувни миядан қувиб чиқаринг. Миянгиз фақат Сиз истаётган нарсалар билан банд бўлсин... Сувни қандай идишга қуйсангиз, у шу идишнинг шаклига киради. Онгингиз ҳам ўзингиз тасаввур этаётган қиёфага киради. Ҳаётингиз ўз қўлингизда экан, уни истаган шаклда яратишингиз мумкин,» — деган хулосага келади Кехо.

Бир буюк ибрат: бутун дунё адабиётининг эртак ва афсоналари ижобий, яъни яхши ниятли қаҳрамонларнинг фақат ва фақат эзгулик, фаровонлик, тўкчилик ва бахтга эришиши билан ниҳоясига етади. Аждодларимиз дуо, афсоналар, бадиий адабиётлар образларига ишониш билан қўрқув ва шубҳага қарши курашиб, уруш, касаллик, ноқулай об-ҳаво ҳукмрон бўлган шароитдан омон чиққанлар. Замонавий инсонни бешинчи асрда яшаган одам билан ёнма-ён кимсасиз оролга қўйиб кўринг-чи! Турли билимлар кони бўлиб туюлган замондошимиз бир зумда энг зарарли «илм» — қўрқув ва хавотирдан боши ғовлаб кетади.

Аксариятимизнинг фикрлаш тарзимиз асосан мана бундай: муаммо туғилса ё ундан олдин хавотирлана бошлаймиз. Пулсизлик, касаллик, ёлғизликдан қўрқамиз, «бахтли бўлармиканман», «ниятимга етармикинман» деб тақдирдан мўъжиза кутиб ўтираверамиз. Мана шундай ёмон хаёлларимиз ва ҳаётга «бир кам дунё» деб баҳо беришимиз вақти келиб ҳаёт бизнинг нимамизнидир кам қилиб қўйишига сабаб бўлишини билмаймиз.

«Мия қандай ишлайди, нимани истайди, нимадан қувват олиб, нимадан қўрқишини ўйлаб кўрганмисиз? Одатда биз овқатланамиз, ишлаймиз, гаплашамиз, режа тузамизу шу пайт нима ҳақида ўйлаётганимизга эътибор ҳам бермаймиз.

Балки ҳар бир фикрнинг яхши ё ёмонлигига қараб бир доллардан бериб-олганимизда, ўйлаб фикр юритган бўлардик. Ҳар куни миямизда пайдо бўладиган минг хил фикрларни сизга фойда ёки зарар келтиришини ҳисоб-китоб қиладиган бухгалтерия фаолиятини тасаввур қилиб кўрингчи! Агар яхши фикрлар учун нақд пул тўланадиган бўлсайди, ҳамма фикрларини синчковлик билан назорат қилиб, фақат фойда келтирадиган ғоялар ҳақида ўйлаган бўларди. Лекин ҳаётда биз ёмон фикрларимиз жаримасини қайта тиклаш ва топиш жуда қийин бўлган бойлигимиз — ўз куч-қувват ва соғлигимиз билан тўлаймиз. Чунки биз ҳам борлиқнинг ажралмас бўлагимиз. У бизнинг биронта фикримизни ҳам жавобсиз қолдирмай, ўрнида амалга оширади».

Бу фикрнинг исботини истайсизми? Атрофингизга бир назар солиб, иши олдинга юрадиган ва аксинча, омадсиз одамларни, уларнинг гап-сўзлари, ҳаёт ҳақидаги қарашларини кузатсангиз, бари аён бўлади. Омадли одам омади борлигига, бир кун келиб, албатта, ниятига етишига чин дилдан ишонади. Омадсиз эса, аксинча.

Ҳаётингизга танқидий, таҳлилий кўз билан қаранг. Бой бўлишни истайсиз-у, доим етишмовчилик ва қимматчиликдан нолийсиз. Ўзингизда йўқ нарсага ёпишиб олгансиз. Тўкчиликни орзу қиласиз, аммо онгингиз муҳтожликдан ташвишланишга кўниккан. Бу аҳволда ҳеч ҳам косангиз оқармайди. Аслида, янги иш топсангиз, ижодий қобилиятингизни кўрсата оладиган фаолият билан шуғуллансангиз, ишингиз юришиб кетади. Лекин сиз ўзингизни бундай иш йўқлигига доим ишонтириб келасиз. Натижада ҳеч қачон яхши ишни тополмайсиз.

Балки Сиз дилкаш, қатъий, эркин бўлишни истарсиз? Аммо негадир ўзингизни доим уятчан, гапи қовушмайдиган одам деб биласиз. Иродали бўлишни орзу қиларсиз, аммо миянгизда сусткашман деган фикр ҳукмронлиги туфайли қачондир кучли бўламан деб ўзингизни овутиб юраверасиз.

Хуллас, қуруқ истак билан иш битмайди. Ўз-ўзидан ҳеч нима ўзгармайди. Ҳатто кунига 20 соат ишлаган тақдирингизда ҳам бирор натижага эришолмайсиз. Олдинга қадам ташлашдан аввал фикрларни янгилаш зарур.

Демак, ким нима ҳақида ўйласа, нимага ишонса — шуни олади.

«Омадли бўлмоқчимисиз? Унда Сизга фақат муваффақиятни кўра оладиган онг керак. Омадли одамнинг онги ва кайфияти фақат тўкчилик ва фаровонлик ҳақидаги фикрлар билан банд бўлади. У бошқача фикрлай олмайди.

«Унга маза-да!-дерсиз. — Омади чопгандан кейин ўйлаш ҳам, орзу қилиш ҳам осон. Менинг аҳволим бошқача. Менга омад кулиб боқмайди, муҳтожман. Шароит мени сиқиб қўйган». ***НОТЎҒРИ! АСОССИЗ ГАП!***

Сизга ҳеч қандай шароит ёки бирор шахс халақит бераётгани йўқ. Йўлингиздаги ягона ғов – бу фикрларингиздир. Фикрларни ўзгартиргандан сўнггина атроф-муҳитингиз ўзгаришининг гувоҳи бўласиз. Янгича фикрлаш Сиздан бир қадам олдинда юриши шарт».

Болалардан: «Катта бўлсанг ким бўласан? Қандай яшайсан?» - деб сўраб кўринг. Йўқ, адашасиз. Ҳозирги болалар ўзига нима кераклигини катталарга қараганда яхши билади. «Банкир бўламан. Кўп қаватли уйим бўлади. Самолётим, мерседесим, компьютерим» ва ҳоказо. Мийиғимизда кулиб қўямиз-у, аслида, ҳаёт муваффақиятлари мана шу беғубор тасаввурлар ва уларга ишончдан бошланишига эътибор бермаймиз.



«Ғалабаларимнинг бари миямда, — дейди мультимиллионер, йирик тадбиркор, кино юлдузи ва спортчи Арнолд Шварцннегер. —Кичкиналигимданоқ мен ўзимни худди ҳозиргидек бўлишимни орзу қилганман. Бугунги муваффақият, машҳурлик ва бойликка эга бўлишим ҳақида умуман шубҳаланмаганман. Мия имконияти ҳақиқатда мўъжизадир. «Мистер Жаҳон» унвонига эришмасимдан олдин неча минг марта ўзимни ғолиб деб тасаввур қилганман. Кино соҳасида ҳам шундай. Ўзимни иқтидорли ва кўп пул топадиган актёр деб ўйлардим. Олдиндан омадим келишини билиб, ундан лаззатланардим». Ҳеч қандай таниш-билиши, ҳисобида бир тийини бўлмаган, уни ҳеч ким танимайдиган Арнолд ўзга сайёралик эмас, сизу бизга ўхшаган оддий одам бўлган. Аммо ўзи билмаган ҳолда орзулари, тасаввури ва қаттиқ ишончи билан ғалаба қилган шахсдир.

Лос Анжэлесда туғилган актриса Кэрол Бернетни бувиси катта қилган. Нафақа пули билан учма-уч яшайдиган бу оила жуда қашшоқ эди. Шундай оғир шароитига қарамай, қиз келажаги порлоқ бўлишидан умуман шубҳаланмаган. «Бирон марта ҳам университетга киролмайман деган фикрга бормаганман. Мен маърузаларга қатнашим, талабалар шаҳарчасида яшаб, катта иштиёқ билан билим олаётганимни тасаввур қилардим. Бу фикр менга туну кун тинчлик бермасди. Ҳеч қандай имкониятим бўлмаса ҳам, ўзимча талабалик бахтидан маст бўлиб юрардим».

Хўш, у маблағни қаердан олди?

«Мактабни битириш арафасида бир куни почтани қарасам, унда менга юборилган конверт ётибди. Унинг маркаси бор эди-ю, лекин муҳри йўқ эди. Ичида бир йиллик ўқишимга етадиган пулдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Мен ҳалигача пулларни ким юборганини билмайман».

Психолог Алан Ричардсоннинг ҳужжатларда қайд этилган тажрибасини мисол келтираман. Талабаларнинг баскетбол жамоаси уч гуруҳга бўлиниб тадқиқ этилган. Биринчи гуруҳ ўйинчилари ҳар куни машғулотга қатнаган. Иккинчи гуруҳдагилар умуман шуғулланмаган. Учинчи гуруҳдагилар эса машғулотга қатнамай, хаёлан машқ бажариб, улар ўзларини тўп ураётган, рақибни алдаб ўтаётган, йирик ҳисоб билан ғалаба қозонаётган деб тасаввур қилган. Бир ойдан сўнг учала гуруҳ текширувдан ўтганда, биринчи гуруҳдагилар натижани 24 фоизга яхшилагани, иккинчи гуруҳдагилар эса умуман натижани яхшилай олмагани маълум бўлган.. Учинчи гуруҳ иштирокчиларининг натижаси эса биринчи гуруҳники билан бир хил бўлиб чиқди.

Сиз-чи? Кўпинча нималар ҳақида ўйлагансиз? Тасаввурингиз қандай хаёллар билан банд бўлган? Нимани орзу қилгансиз — шуларни эсга олинг. Ҳозир нимага эришдингиз — орзуларингизга қанчалик сидқидилдан ишонганингиз ё уларга хиёнат қилганингиз аён бўлади. Ишонинг: фикр чақмоқ тезлигида сиздан-да олдин юради. Сизни ўраб турган воқеълик — бу фикрларингиз маҳсулидир.

Қўрқмасдан яхши ният қилинг. Яхшилик сўраган одам унга эришмаса ҳам савоб олади, агар эришса, яна яхши ният қилаверади. Шу тариқа ният қилишнинг ўзиёқ савоб ишдир.

Энди биринчи саволга жавоб берсак бўлади. Онгнинг вазифаси фақат машина бошқариш, арзон ва қимматнинг, яхши-ёмоннинг фарқига бориш эмас, балки инсон ҳаётини бошқариш, уни ўзгартиришдир». ... Онг – бу тупроқ, фикр ва ҳис-туйғулар — уруғдир. Яхши фикр эксангиз, ҳосилингиз ҳам яхши бўлади. Тафаккур эса боғбон бўлиб, боққа нимани экиш-экмаслик, уни «ёт» фикрлардан тозалаш вазифасини бажаради. Афсуски, кўпчилик боғбоннинг бундай муҳим вазифаси борлигини билмайди. Уларга ҳеч ким буни тушунтирмаган. Фикрларимизни яхши-ёмонга ажратмай уларни миямизда олиб юраверамиз. Бахтли ё бахтсизлигимизни англаш учун ички боғимизга назар солишнинг ўзи кифоя», — дейди Жон Кехо.

Мавзу аввалида олимнинг юқоридаги фикрлари XXI аср муқаддимасида кашф этилган янгилик, деб эътироф этилаётганини айтдик. Аслида, бу мўъжизаларни Парвардигори олам рўзи азалда инсон жисму руҳида мужассам этиб, унинг ўзини ҳам огоҳ этган ҳақиқатдирки, ғарб олими буни англаш ва тан олиш сари яна бир қадам қўйди, холос.

Ҳар не ишда Аллоҳга яхши ният билан таваккул қилишнинг савобу ажри нечоғли хайрли, улуғ бўлишининг исботларини нафақат тарихдан, буюк одамлар тақдиридан, балки ақл билан кузатсак, ҳар кунги ҳаётимиздан кўришимиз қийин эмас.

«Киши баданида бир парча эт бор, агар у соғ бўлса, барча аъзолар соғдир, агар у бузилса, барча аъзолар носоғдир. У қалбдир», — дейилади Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида. Қалбнинг соғлиги – ундан кечаётган фикр, ният, орзу, ишонч, эътиқоднинг соғлигидан. Соғлом қалб, соғлом фикрлаш тарзини ҳаётга муносабат тамойилига айлантирган инсон онги бахтли-саодатли ва соғлом тақдирни тилагувчи ва унга элтгувчидир, иншооллоҳ!

Мавзуни яна давом эттирамиз.

**Гулгун СУЛТОНОВА,**
**журналист**

# «МАРШРУТКА»га неча киши сиғади?

**Кўпинча бирор сабаб билан ишга, белгиланган учрашувга кечикар эканмиз, кайфиятимиз бузилади, асабийлашамиз. Йўлига кўз тутганимиз автобуснинг «ўзига хос юриши»ни ўйлаб сиқиламиз. Шундай пайтда автобус бекатида тўхтаган «маршрутка» жонимизга оро киради. Энди анча эмас, бироз кечикишимиздан асабларимиз сал бўшашади. Такси нархидан 5-6 баробар арзон йўл ҳақини рози бўлиб берамиз.**

Аммо беш панжа баробар бўлмаганидек, маршруткада юриш ҳам хилма-хиллик касб этиб қолади. Қандай дейсизми? Соддароқ тушунтирганда, бунда ҳам «ажабтовур», кўпчилик илғамас, илғаса ҳам табиий ҳол сановчи «муаммоча»лар мавжуд.

Бунда адашиб кетиб бир-икки кишининг пул бермай қолишидан бўлак (аслида бундай бўлишга имкон қолдирилмайди) яна қандай муаммо бўларди, дерсиз. Балки бу инсоннинг виждонига боғлиқ-да, юмшоқ ўриндиқларда манзилга тез етказса-ю, ҳақини бермай бўладими, деб энсангиз қотар. Сиз ҳақсиз, тилга олинган бу қулайликлар, юриш тезлиги кабиларга заррача эътирозим йўқ. Гап сиз айтган ўша виждон ҳақида кетганда, йўловчи билангина эмас, ҳайдовчи билан ҳам боғлиқ ҳолатларни кўриб айрим мулоҳазалар дилдан тилга кўчади.

Келинг, бу борада ўзим гувоҳи бўлган воқеаларнинг баъзиларини қандай бўлса шундайлигича баён этай.

12-Отайўл микроавтобусини айтмаганда Ал-Хоразмий 31-мавзесидан Чорсуга олиб борадиган транспорт йўқ. Отчопардан Хадрага борадиган 147-автобус йўли ҳам мавзелардаги кўпгина уйларга тескари. Фавқулодда тўғри келиб қолмаса, 12-микроавтобусда кетиш учун 36-маршрутдан бир нечтасини ўтказиб юборишга тўғри келади. 50 сўм фарқ учун уни кутиб тураверадиган асаби бақувватлар камдан-кам топилса керак.



Англаган бўлсангиз, гап ўз-ўзидан 36-маршрут устида боради.

Одатда, ўғри битта-ю, гумон мингта бўлади. Мақолага ундаган муаммоларга 2-3 сафар ҳам айни бир маршрутдагина дуч келдим. Чорсудан ўриндиқлари тўлган машина бироз юриб тўхтаганда қизил чироқ сабаб бўлгандир, деб ўйлагандим. Эшик очилиб, бир эркак йўловчи чиқди. Ўриндиқдан ташқари махсус стулчалар ҳам бўшлигини билиб у ёқ, бу ёққа қарадим. Уларнинг ҳам бандлигини ҳайдовчи сезмай қолибди-да, «жой йўқ» демади-ку, деб ҳалиги йўловчига қарадим. Пастки зинада турган учун бўйни хиёл эгилганини айтмаса унча ноқулай эмас.

Бир йўловчи тушгач, ҳалиги киши бўш жойга келиб ўтирди. Аввалига «шофёр акамиз барака топсинлар, жуда бағирлари кенг-да, ҳеч кимни йўлда ташлаб кетгиси келмайди» каби гапларнинг пичинглигини пайқамабман. Кўкчада «тўхтанг» ишорасини қилган яна уч йўловчини хафа қилмади. Пичинг қилган киши ва мен тенг гапириб юбордик: «жой йўғ-у, қаёққа оласиз?». Ҳозиржавоб ҳайдовчидан олган чиройли жавобимиз чарчаган асабларни эговлашга етиб ортди.

— Ўзлари қўл кўтаришяпти, мен тўхтадим, жой топиб олишса кетаверишсин.

— Жой йўқ ишорасини қилиб тўхтамасангиз, йўлингизни тўсиб олишмайди-ку, — дегандим тепамда икки букилиб турган аёл ҳайдовчи ўрнига жавоб берди.

— Майли, қийналсак ҳам тезроқ етиб олсак бўлди. Йўлда тушадиганлар бордир, — деди.

Аёл гапини тугатар-тугатмас, шофёр «асабийлашган» ҳолда «Мана, мана тўхтадим, қатга чиқасанлар, чиқларинг», дея яна тўхтади. Ичкаридагилардан «жой йўқ» жавобини олган икки йўловчи ҳам кўнгли кенг ҳайдовчининг бағри кенг маршруткасидан паноҳ топишди. Ҳалиги киши ҳам, мен ҳам сўзга ожиз бўлиб тургандик, «йўлдан чиққанлар йўл ҳақини узатинглар, кўпчилик чиқди-ю, узатинглар, яна икки киши...» каби гаплари тилимни яна қичитди. Эшикка суяниб турган бир бечора пулини олишга имкон йўқлиги, тушаётганда бериб кетишини айтаётган эди, «Шофёр ака, 1-2 кишидан олмасангиз ҳам етарли бўлди шекилли, аслида ярим пулини беришса ҳам кўп. Инсоф сари барака-да» дедим. Баттар аланғалатгиси келдими, шофёр ҳам қолишмади:

— Ие, кеннойи, нима девоссиз, жой бўлмаса ҳам раҳм қилиб тўхтаганим учун икки баробар қилиб тўлашсин, — деди.

— Шунақами, узр!,— дея аччиқ куларканман, ойнадан шофёрнинг ҳам ғолибона кулаётган кўзларига кўзим тўқнашди.

Бу ҳолат 92-маршруткадаги шунга ўхшаш воқеани ёдимга солди. Ўша ҳайдовчи ҳам йўловчилар устидан кулгани учун асабийлашгандим.

Чилонзор Оқтепасидан чиққан ёши каттароқ аёл биринчи ўриндиққа салгина илашиб олди. Бир қўли билан нариги ўриндиқ суянчиғини тутиб, оёқлари қалтираб зўрға ўтирганини кўриб, у билан жой алмашдим. Аёл дуосининг кучи билан икки бекат базўр чидадим. Манзилимга яқин қолганда бутун танам оғирлиги чап оёғимга тушиб, ўзим ҳам қалтирай бошладим. Қийналганимни сезган аёл «келинг жойингизга, оёғим анча тин олди, қизим» дея турмоқчи бўлди.

— Йўқ, сиз хижолат бўлманг, ҳолажон, айб ҳайдовчида, бунақа экан стулчаларни кўпайтириб қўйсин эди,— дедим.

Пинагини бузмай, кулимсираган шофёр «стулчаларимга харидор кўп-да, сотинг деб туриб олишяпти, шунинг учун олиб ташладим», — деди.

— Бўлмаса ўзингиз шу ҳолатда озгина ўтириб кўринг, одамнинг устидан кулиш-ку бу, — деб унга юзландим.

— Майли, кейинги сафар сиз қўл кўтарсангиз тўхтамай ўтиб кетаман, яхшилик қилсанг ҳам ёқмайсан,—дея ғўлдиради у.

— Эй бунақа яхшиликдан минг марта тўхтамай ёмонлик қилганингиз афзал. Жой йўқ, экан дейман, кейингисини кутаман. Хафа бўладиган жойи йўқ бунинг,— дедим.

Хуллас, манзилимга етгунча иккаламиз ҳам гапдан қолмадик. Ёнимдагилар ҳам мени маъқуллагандек бош силкишади-ю, шофёрга бир оғиз гапиришмайди. Аксинча, «қўйинг, қизишманг» дейишади.

Оёғим зилдек бўлиб машинадан тушдим. Тушдим-у, хаёлан анчагача ҳайдовчи билан олишдим. «Виждонинг борми?» десанг «виждон нима?» дея куладиганлар сафи тобора кенгайиб бораётганидан куюниб кетасан, киши. Тирикчилик, шахсий манфаат учун виждонни сотиш инсофданми?

Бир четда индамай турган одамга машина ўз-ўзидан тўхтамайди-ку! Ҳайдовчининг тўхтамагани эса жой йўқлигидан далолат эмасми? Оддийгина ана шу ҳақиқатдан қачонгача кўз юмамиз. Ё шоҳона яшаш учун нафснинг қули бўлиш шартми?

*Мулоҳаза*

# ЖОЙ БЕРМОҚ, — ЖОН БЕРМОҚМИ?

***Ёшлик — айни куч-қувватга тўлган, ғайрат-шижоат жўшган давр. Айниқса, йигитлар бу паллада ўзига хос кўриниш касб этади. «Тоғни урса талқон қилгудек» гавдаси олдида анча-мунча одам ожиз ҳис этади ўзини. Уларга қараб ёши улуғроқ танишлари «шундоқ йигит бўпти-я?!» дейишлари ҳам шундан.***

***Лекин бир жиҳат кишини ўйлантиради. Негадир алпқомат йигитларимизнинг бўй-бастини анчадан буён автобусларда кўрмай қўйдик. Нега дейсизми? Чунки...***

**Оқшом. Энг гавжум бекатларнинг бирида автобус кутардим. Бу пайтда ҳамма уйига шошади. Тушдан сўнг ўқийдиган бир гуруҳ талаба йигитлар ҳам суҳбатни қизитиб, ҳатто қаерда эканликларини-да унутиб, оғизларига эрк бериб туришарди.**

**Кутаётган уловим кўриниши ҳамон оломоннинг кўпчилик қисми ҳаракатга тушиб қолди. Бекатда бошқа йўналишдаги транспорт воситалари ҳам бўлгани учун ҳайдовчи иккиланди чоғи, қоидани бузмаслик учун тўхтамоқчи бўлди. Лекин негадир фикридан қайтиб, «карвон» бошидан жой олди. Йигитлар ёш ва чаққонгина эмасми, ҳеч кимга қарамай ўша томонга қараб чопишди. Автобусдан тушмоқчи бўлган бир-икки йўловчини қайта ичкарига жойлаб қўйишга-да қодир «куч» уларни (инсоф юзасидан) сабрсизлик билан ўтказиб юборди. Ёши катталарга қийин, ҳарчанд уринишмасин барибир тезликни ошира олмасдилар. Хуллас, автобус бир зумда тўлди. Кейинги бекатларда ҳам чиқувчилар кўп бўлди. Олд эшикдагилар аҳвол қандайлигини билмадим-у, орқада турганларнинг бари аёллар, ёши катта эркаклар. Айримларининг қўлида сумкалардан ташқари юк халталари ҳам бор эди. Уларнинг қарашларидан ҳорғинлик сезилиб, бирор жой берувчи топилиб қолармикан деган илинжда жонсарак туришарди. Афсус, ўриндиқдагиларнинг нигоҳи ташқарига «михланган» эди.**



***Охири бир аёл чидай олмади:***

***— Ўғлим, шу ергача ўтириб келдинг, энди бу ёғига менга жойни бўшат,—деди.***

***Аслида бу мурожаат фақат ўша йигит учунгина эмас, балки бамайлихотир «хаёл суриб» келаётган бошқа ёшларга ҳам қарата айтилганди. Бошқалар гўё эшитмагандек (бунинг иложи йўқ эди) «қилт» этишмади.***

***Бу биргина мисол, холос. Бундай ҳолатларга ҳар куни гувоҳ бўламиз. Ажабо, жой бериш шунчалар машаққатлими? Атрофдагиларнинг таънали қарашларига чидаб ўтиргандан кўра, бир оёқлаб тик туриб кетиш қулай эмасми? Тан азоби виждон азобидан енгилроқ-ку!.***

***Тааажуб, нега энди жой бериш жон беришдек машаққатли ишга айланиб қолди?***

Мактуба МЎМИНОВА,
«Ишонч» мухбири

Орамиздаги одамлар

# Эзгулик ёғдуси

**_Бир журналист ҳамкасбим Тўхтабой аканинг ноёб қобилияти, башоратомуз ҳислатлари, шифобахш сеанслари ҳақида ҳаяжон билан гапириб қолди. Мен уни диққат билан эшитиб, чуқур ўйга толдим. Наҳотки ҳозирги замонда орамизда шундай одамлар бўлса? Авлиёсифат одамлар, кароматли алломалар, ўзини Яратганга бахшида этган инсонлар, вужудини одамларга яхшилик қилишдек ҳиссиёт қоплаган улуғ зотлар илгари замонда кўп ўтган. Биз уларнинг аксариятини яхши биламиз, шубҳасиз, улар шу юрт фарзандлари бўлганликлари билан фахрланамиз._**



Бироқ ҳозир-чи?.. Кейинги бир асрдан кўпроқ давр мобайнида эътиқодсизлик руҳида тарбияланган авлод орасидан кароматли инсонлар етишиб чиқиши мумкинми? Наҳотки, ул зот ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб, ўзининг ноёб қобилиятини одамларнинг дардини енгиллатиш ҳамда руҳиятини кўтаришга, шунингдек, ёмонликлар пайини қирқиб, инсонлар ўртасида эзгулик ва эътиқод уруғини сочишга бахшида этган бўлса?!

Ана шундай ўй-хаёллар билан юрганимда, 2000 йилнинг кузида «Труд» газетасида Тўхтабой ака Болтабоев ҳақида бир мақола босилиб чиқди. Унда муаллиф Валерий Бирюков у кишининг ноёб қобилияти ҳақида аниқ мисоллар, далил-исботлар билан ҳикоя қилибди. Ўқиб ишонмаслик асло мумкин эмас.

Кечирмас бобо зиёратгоҳи Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида жойлашган. Тўхтабой ака зиёратчиларнинг маблағлари ҳисобига бу ерда катта ҳажмда бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишларини бажарди. Мақбара, масжид, меҳмонхона, одамларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа ёрдамчи бинолар зиёратгоҳ мажмуига чирой бағишлаб турибди. Улар ноёб тарихий обидаларга ўхшайди. Атрофи гулзор ва боғлар билан ўралган, кўриб кўз қувонадиган, бахри-дилингиз очиладиган ажойиб гулшан. Зиёрат қилсангиз дилингиз покланади, руҳингиз равшанлашади, дардингиз енгиллашади. Тўхтабой аканинг шифобахш сеансларидан кейин эса ўзингизни бутунлай бошқача ҳис қиласиз.

Хўш, Тўхтабой ака қандай қилиб бундай ноёб қобилиятга эга бўлиб, савоб ва саховатли ишга қўл урди?! Ҳаммасини Яратганнинг ўзи у кишининг кўнглига солди. Тўхтабой ака Тўрткўлдаги автокорхонада ҳайдовчи бўлиб ишларди. Бир куни у тушида Кечирмас бобони кўрди. «Тўхтабой, мен кимсасиз далада ётибман, эсдан чиқиб, оёқ остида қолиб кетдим. Келиб бу ерни обод қил...» деди бобо. Тўхтабой ака бунга эътибор бермагандай бўлди. Шунда унинг оиласи учун оғир кунлар бошланди. Ўзининг иши юришмади. Невараси нобуд бўлди. Аёли Омина опа оғир дардга чалинди. Турмушда қийинчиликлар, синовлар кучайиб бораверди. Ана шундай оғир пайтда Тўхтабой ака тушида яна Кечирмас бобони кўрди ва ундан қаттиқ узр сўради. У ўз маблағи ҳисобидан қабр устига мақбара қурди. Бироқ мақбара узунасига ва кўндалангига ёрилиб кетди. «Тўхтабой, — деди Кечирмас бобо тушида уни огоҳлантириб, — мақбарани ўз ҳисобингдан эмас, шифо истаб зиёратга келганларнинг назри ҳисобига қур». Тўхтабой ака шундай қилди. Сўнгра ноёб қобилиятини намоён этди. Дастлаб очиқ жойда шифобахш сеанслар бера бошлади. Тез орада шу ерда ўз кучи билан тикланган кичик лой-пахса уйга оиласи билан кўчиб келди.

Ўтган йиллар мобайнида Тўхтабой ака Болтабоевнинг ҳузурига кимлар келмади, дейсиз. Медицина институтларининг олимлари, халқ табобати академиясининг ходимлари, бошқа даҳлдор соҳаларнинг мутахассислари унинг ноёб қобилиятига тан беришди. Кўплаб таниқли олимлар, ёзувчилар, шоирлар, журналистлар Тўхтабой ака билан мулоқотда бўлишди. Чингиз Айтматов ноёб қобилият эгасини кўриш учун атайлаб келиб кетди. Бугунги кунда бу ерга Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан, Тошкент шаҳридан, шунингдек, Россия, Қозоғистон ва Туркманистондан кўплаб одамлар ҳам зиёратга, ҳам шифо истаб келиб туришибди. Одамларнинг гувоҳлик беришларича, Тўхтабой ака ҳали уларнинг бирортасидан ҳақ талаб қилмаган. Бу мутлақо мумкин эмас. Унинг қайта-қайта таъкидлашича, заррача бўлса-да таъмагирлик қилиш ноёб қобилиятини йўққа чиқаради. Таъмагирликни Оллоҳ кечирмайди. Тушаётган назр пуллар тўлиқ зиёратгоҳни янада ободонлаштиришга, зиёратчиларга ҳамда шифо истаб келганларга қулай шарт-шароитлар яратишга (айтгандай, улар кунига икки маҳал бепул иссиқ овқат ҳамда ётоқ жой билан таъминланадилар), шунингдек бева-бечоралар ва етим-есирларга сарфланади. Элликқалъа туман ҳокимияти ва бошқа идоралар берган рўйхатлар асосида ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга кийим-кечаклар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилаяпти. Бир неча бор зиёратгоҳда бўлганимизда ҳамда туман аҳолиси билан суҳбатлашганимизда бунинг гувоҳи бўлдик.

— Мен одам танламайман, ихлос қилиб, шифо истаб келган ҳар қандай одамни қабул қилавераман, бироқ шифони мен эмас Оллоҳ беради, Оллоҳга астойдил илтижо қилган одам, албатта шифо топади, мен фақат сабабчиман, — дейди Тўхтабой ака ва жиддийлашиб сўзида давом этади. — Бир нарса мени қаттиқ ташвишлантиради. Биласизми, йилдан-йилга дуохон домлалар ва отинойилар кўпайиб бораяпти. Айниқса, Хоразм, Наманган, Қашқадарёда ва Тошкент шаҳрида улар жуда кўп. Тўғриси, бошқа вилоятларда ҳам оз эмас. Улар пул учун минг хил хийла-найрангларни ишлатишяпти. Яъни, бировларга турли «иссиқ-совуқ»лар қилиб беришаяпти ёки «кўз тегмасин, душманинг ҳасаддан куйсин, мансабга эришасан, сени ишдан ҳайдашмайди, бошлиғинг индамайдиган бўлади, ишинг юришади, даромадинг ошади, фарзанд кўрасан, хотининг ўғил туғади, фол кўрадиган бўласан, дуохонликни ўргатаман, бахтинг очилади, фарзандинг айтганингни қиладиган бўлади, бошлиққа сўзинг ўтади, ўғлинг ўқишга киради» қабилида минг хил ҳийла-найрангларни ишлатиб, одамларга турли дуоларни ёзиб беришаяпти. Дуохонлик жуда ёмон иллат. Бу нарса ислом динида қаттиқ қораланади. Дуохонлик гуноҳларнинг гуноҳи. Унинг оқибатида турли руҳий касалликлар, бош оғриқлар, бошқа бир қанча оғир хасталиклар келиб чиқаяпти. Одамларни бундай аҳволга солиш жодугарликдан бошқа нарса эмас. Мен ана шу офатга қарши курашни ўзимнинг бурчим деб биламан. Шаҳар ва қишлоқларимизда, маҳаллаларда дуохонлар, жодугарлар, ҳар хил фолбинлар қанчалик камайса, одамлар турли хасталиклар ва кўнгилсизликлардан тез халос бўладилар.

Тўхтабой аканинг ноёб қобилияти ҳақида газеталаримиз кўп ёзишди, телевидениеда кўрсатув тайёрланди. У киши билан ҳатто хорижликлар ҳам қизиқиб қолишди. Би-би-си радиосининг мухбирлари зиёратгоҳда ўн кун бўлишиб, бир соатлик репортаж тайёрлашди. Ҳаммасини зиёратчиларнинг ўзлари сўзлаб беришди. Бу ерда шифо топганлар ҳаяжонда энтикиб гапиришди. Ҳатто Би-би-си мухбирлари ўзлари билан оғир тери касаллигига йўлиққан бир беморни ҳам олиб келишган эди.

Бемор соғайиб мухбирлар билан бирга жўнаб кетди.

Кечирмас бобо зиёратгоҳига ҳар куни 200-300 чоғли, баъзи кунлари эса 500 нафаргача одам келади. Уларнинг аксарияти Тўхтабой аканинг шифобахш сеансларида қатнашади. Бунда ноёб қобилият эгасига у кишининг умр йўлдоши — эътиқодли, садоқатли, оқила, ҳақиқий ўзбек аёлининг тимсоли бўлган Омина опа ёрдам беради. Ҳар иккаласи ҳам ўзларини одамлар дардини енгиллатиш ва руҳини кўтаришдек савоб ишга бахшида этишган. Ҳар бир сеанснинг охирида Тўхтабой ака сабр-қаноат, ҳалоллик, поклик, инсоф-диёнат, юртга, Ватанга садоқат, ота-онага ҳурмат, фарзанд тарбияси, эр-хотин муносабати, Оллоҳга ва унинг динига эътиқод, етим-есир ва бева-бечораларга мурувват, саховатпешалик, гуноҳлардан сақланиш, кечиримлилик ҳақида маъруза қилади.

Қалбан покланиб, хаёлингизни чулғаб олган гумонлардан қутилиб, дилингизни умид ва яхшилик ёғдуси ёритиб, ўзингизни қийнаб келган дарддан халос бўлиб чиққанингизда Тўхтабой аканинг фарзандлари ва келинлари сизни иссиқ чойга, мазали таомга таклиф қилишади. Ҳа, улар куну тун зиёратчилар хизматида. Ўзларининг туриш-турмушлари эса жуда оддий. Гўё уларнинг савоб олишдан бошқа мақсадлари йўқдай. Аслида ҳам шундай. Бунга зиёратчилар гувоҳлик беради.

**Иброҳим НОРМАТОВ**

Қатра

**_Тонг отиб, орзиқиб кутилган кун бошланди. Дилимда кечаётган ўзгача туйғудан юрагим отилиб кетадигандай. Қани энди кун тезроқ ботса-ю, йўлга отлансак. Тўй тараддуди бир ой илгари бошланган. Насиб этса эрта саҳардан бошланади. Азим Тошкентга Самарқанддан ойдай келин келади. Қариндошлар тўй маросимларини афсонавий шаҳарда ўтказишга қарор қилишганди. Хуллас, тонгдан кун ботгунча ўзимни чалғитиш учун у-бу ишлар билан шуғулландим. Уфқни қонга бўяб, куёшнинг хайрлашаётганини кўриб хурсанд бўлдим._**

# Умрга татигулик кун

Дугонам билан автобусдан жой олиб, қўзғалишини сабрсизлик билан кута бошладик. Ниҳоят, автобус ҳаракатланди. Йўловчилар қўлларини дуога очишганида биз ҳам уларга қўшилдик. Сафаримиз бехатар бўлишини худодан сўрадик. Шу пайт атрофни томоша қилиб кетаётган ширингина болакай ҳам нозик қўлчаларини кўтариб, мақсадсизгина юзларини силаб қўйганига кўзим тушди ва руҳланиб кетдим.

Сал ўтмай ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб кетди. Автобус моторидан таралаётган маҳзун «куй» радиодан янграётган таронага жўр бўлди. Ортда қолаётган дарахтлар, қорли кенг далалар кишига завқ бағишларди. Жиззах тоғ ёнбағирларига келгач, автобусимиз бир муддатга тўхтади. Дугонамни совуқ бўлишига қарамай ташқарига чиқишга ундадим. Осмонга туташ Жиззах тоғларини яқиндан кўргим келганди-да. Табиатнинг гўзаллигига маҳлиё бўлганимдан совқотганим сезилмасди. Гоҳ виқорли тоғларга, гоҳ пастқам уйларга, гоҳ юлдузли осмонга боқар эканман, беихтиёр кўзим юлдузлар орасида келинчакдек товланиб турган ҳилолга тушди. Дугонам икковимиз қўлимизни баланд кўтариб орзуларимизни бирма-бир санай кетдик ва яхши ниятлар билан бўлажак келин-куёвга ҳам бахт тиладик.

Автобус яна йўлга тушди. Қоронғу кечада юлдузларни томоша қилиб, ухлаб қолибман. Кўзимни очсам, манзилга етиб келибмиз. Автобус эшиги очилиши билан Самарқанд нонларининг ўзига хос тотли ҳиди димоғимга урилди.

Ғира-шира тонг қоронғусида тўйхонага етиб бордик. Наҳорги ошнинг ўзига хос файзи бўлади.Тонг ёришаётган паллада дўст-ёрларнинг дийдор кўришишига нима етсин. Четдан кузатсангиз, бу пайтда тўйхона гўзал бўстонга ўхшайди. Кимдир меҳмонларга тавозе қилади, кимдир ош ташимоқда, яна кимдир чой дамлашга шошади.

Наҳорги ош билан тўй бошланади. Кечда никоҳ тантанаси. Ҳамманинг эътибори давра тўрида ўтирган келин-куёвда бўлади. Шўх куйлар оҳанги беихтиёр рақсга чорлайди.

Келин-куёвнинг ота-оналари — қудалар, узоқ-яқиндан келган қариндош-уруғлар, қўйингки, барчанинг хурсандлиги шундоқ кўзларидан сезилиб туради. Бир зумда давра ёшу-қарининг рақсидан яшнаб кетди. Дугонам иккаламиз ҳам беихтиёр рақсга тушиб кетганимизни сезмай қолибмиз. Қанийди, бу тўй ҳеч ҳам тугамаса...

Юртимизда ҳар куни ана шундай тўй-тантана. Дунёнинг бирор ерида бизчалик тўй қилиб яйрашмаса керак. Ўзбеклардек тўйга алоҳида аҳамият бериб, тараддуд кўрмасликлари ҳам бор гап. Шу боис тўй бизнинг энг улуғ қадриятимизга айланган. Ёру бирадарлар тўйга чорлаганда, ҳар қандай зарур ишдан ортиб бориш бизга одат. Энг муҳими, бу одатимиздан ҳеч оғринмаймиз. Балки «Тўйлар кўпайсин», дея тилак билдирамиз.

Тўй хурсандчилик, бахт-иқбол рамзи. Ниятимиз — тўйлар тўйга улансин. Янги оилалар кўпаяверсин! Ҳаммани тўйга етказсин.

**Иродахон МУХТОР қизи**

# Талимаржон Иссиқлик электр станцияси унитар корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси



Республикамиз хотин-қизларини анъанавий байрами ва мамлакатимиз аҳолисини яқинлашиб келаётган Наврўз айёми билан қутлайди.

Ҳаммангизга баҳорий кайфият, бахт-саодат, Ватан фаровонлиги йўлидаги ишларингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.



***Жонажон юртимиз осмонида шундай зотлар борки, уларсиз биз бугунги маданиятимиз ривожини ҳеч тасаввур этолмаймиз. Машҳур Зариповлар сулоласининг иккинчи авлоди бўлмиш Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, биринчи чавандоз аёл Холида Зарипова ҳаёт бўлганида баҳор фаслини саксон ёшга тўлган ҳолда кутиб олар эди.***

# Биринчи чавандоз аёл



Ёднома

Холида Зарипова 1927 йили 14 феврал куни Тошкент шаҳрида машҳур цирк усталари, Ўзбекистон халқ артисти Карим Зарипов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муборак Зариповалар оиласида дунёга келди.

«Мен туғилиб, дунёни англай бошлаганимда кўз олдимда фақат цирк майдончаси-ю ва шу майдонда рўй бераётган мўъжизалар намоён бўлган эди, — деганди бир суҳбатимизда Холида опа. — Цирк биносидан ёки уйдан кўчага ҳатлаб, дугоналарим билан қўғирчоқ ва яна бўлмаса бекинмачоқ ўйнашга чиққанимни эслолмайман. Нимагаки, эрта-ю-кеч ота-онам, акам (Ўзбекистон халқ артисти Хаким Зарипов назарда тутилмоқда) билан биз шу цирк майдончасида отларни ўйнатиш, уларни ювиш-тараш билан овора бўлардик. Бу тинимсиз меҳнат етмагандек, яна мени отам тўхтовсиз от устига чиқариб, ҳар хил машқларни бажаришга мажбур қиларди. Агарда шу машқларни яхши бажара олмасам, отам қўлидаги хипчин билан аямасдан оёқ-қўлимга туширарди. Оёқ-қўлларим гоҳида қизариб, моматалоқ бўлиб кетарди. Мен ўша, болалик ва ёшлик пайтимда меҳнатга ўрганмаганимда, ўз касбимни бугун бу даражада эгалламаган бўлар эдим. Ҳар бир санъат тури ижодкордан катта ва тинимсиз меҳнат талаб қилади. Лекин цирк санъати, отчопарлар санъати улардан-да юз баробар кўпроқ фидойиликни тақозо этади...



Холида Зарипова 1934 йили, яъни етти ёшида ҳар хил акробатик машқларни бажариб, ўн ёшида отаси Карим Зарипов раҳбарлигида «Чавандоз йигитлар» оилавий атракцион дастурида ўзининг бетакрор ва ёрқин маҳоратини намойиш эта бошлади. Шу-шу Х.Зарипова бутун умрини ўзбек миллий цирк санъатига, ўзбек халқига, она юртига бағишлади. У 1939 йили янги ташкил этилган ўзбек цирк томошасида хизмат қила бошлаб, ўзига хос чавандоз аёллар мактабини яратди. Шу мактаб асослари ва анъаналарини мустаҳкамлади ва уни ўз шогирдларига, ўғил-қизларига мерос қилиб қолдирди. Х.Зарипова от устида рақсга тушиб «Занг», «Лазги», «Дилхирож» ўзбек халқ ўйинларини катта маҳорат ва завқ-шавқ билан ижро этиб, отдан отга сакраб, учиб кетаётган отлар тагидан ўтиб, эркаклар учун ҳам оғирлик қиладиган машқларни бажариб, томошабинларни ҳайратга солар эди.

Холида Зарипова нафақат ўзбек, балки жаҳон цирк санъатида ҳам биринчи чавандоз аёл эди. У 1947 йили Париж шаҳрида бўлиб ўтган халқаро цирк фестивалида «Шарқ маликаси от устида» деб номланган дастурни ижро этиб, «Узбекская амазонка» номини олди ва фестивалнинг энг катта мукофотига сазовор бўлди. Париж шаҳрида чоп этилаётган «Фигаро» газетаси саҳифасида Холида Зарипова ҳақида шундай сўзлар битилганди,— «Ўзбек қизи Холида Зарипова отлар устида шу қадар қийин бўлган машқларни аъло даражада бажарадики, уларни баҳолаш ва бирор-бир ўлчов билан ўлчаш қийин ва мушкул иш. Биз европаликларни узоқ Шарқ мамлакатидан келган нозиккина қиз шу қадар ҳайратга соладики, бу мисли кўрилмаган оғир ва қийин чавандозлар санъати унинг талқинида ва ижросида ўта нозик ва шоирона санъат бўлиб ифодаланади. Чавандозлар санъати катта назокату ва латофат билан ижро этилиб, бу санъат бизни қандайдир эртаклар ва афсоналар оламига етаклайди. Бу — фақат Зарипова хоним меҳнати ва маҳорати туфайлидир. Қани энди бизнинг француз йигит-қизларимиз ҳам шундай оғир санъатни шу даражада мукаммал эгалласалар. Бу фақат бизнинг орзуимиз ва ниятимиз».

Холида Зарипова ўз ҳаётини машҳур қизиқчи ва чавандоз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Шарифбоев билан бир умрга боғлаб, миллий цирк санъатини янада юқори чўққиларга олиб чиқишга ҳаракат қилди. У тинимсиз ишлади, кунни-кунга, тунни-тунга улаб янги машқларни яратди. Бу ишларда турмуш ўртоғи далда бўлган бўлса, отаси Карим Зарипов ўта талабчан устоз ва ҳакам сифатида қизи бажараётган ишларни «элакдан ўтказиб» баҳолаб борди. Шу ўринда мен таниқли устоз санъаткор Сорахоним Эшонтўраеванинг Х. Зарипова ижоди тўғрисида айтган гапларидан бир-икки жумла келтирмоқчиман: «Холидахоннинг от устида бажараётган машқлари ва умуман у цирк майдонида яратаётган жасур қиз образи шу қадар мени тўлқинлантирадики, саҳнадаги ишимни ҳам илҳомлантирарди. Нимагаки, унинг санъатида ўчмас нур бор эди».

Холида Зарипова турмуш ўртоғи Фахриддин Шарифбоев билан «Шарқ юлдузи», «Ўзбекистон гуллари», «Мен Тўмарис юртидан» деб номланган чавандозлар дастурини яратиб, қирқдан ортиқ хорижий давлатларда ижодий сафарда бўлди. Миллий цирк санъатимизни кўз-кўз қилди. Ўз она юртининг барча шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, ўзбек аёллари улкан ишларга қодирликларини ўз санъатида кўрсатди. Холида Зарипова бир вақтда учта отни шамолдай учириб, ўзбек йигит ва қизларининг салобати ва латофати, уларнинг шижоати ва назокати, уларнинг ғурури ва эркинлигини дадиллик билан намойиш этарди.

Холида Зарипова шундай санъаткор эдики, у ўз фаолиятини сидқидилдан бенуқсон бажара туриб, устоз санъаткоримиз Тамарахоним бошчилик қилган Зебо Ғаниева номидаги ансамблда ҳам салкам қирқ йил (1950-1990 йиллари) меҳнат қилди. У ўз ҳамкасблари билан нафақат республикамизнинг, қолаверса, бошқа қўшни давлатларнинг ҳарбий горнизонларида, меҳнат жамоаларида бўлиб, ўзининг ажойиб қўшиқ ва рақсларини, мураккаб цирк-концерт дастурларини намойиш этарди. У бундай тадбирларга ўзгача гўзаллик ва ёрқинлик киритиб, ҳар хил томошабинга ўзидан сочилиб турган қуёш нурларини улашарди. Бундай дақиқаларни ҳеч унутиб бўлмайди. Мен эса Холида опанинг куч-ғайрати, ёрқин истеъдоди ва маҳоратидан завқланиб, унинг санъати беқиёслигини ҳис этардим. Балки шунинг учун ҳам устоз санъаткоримиз Тамарахоним ўз вақтида Холида опанинг ижодини шундай таърифлаган эди: «Холида менинг энг катта хазинам десам бўлади. У шундай хазинаки, у доимо тоза ва олтин булоқдек қайнаб, ҳаммага ўзини тиниқ ва ширин томчиларини улашиб, ҳаёт нақадар гўзаллигини кўрсатиб туради. Биз ўз ансамблимизни Холидасиз тасаввур этолмаймиз. Нимагаки, унинг санъати ва ижоди доимо зар каби товланиб, инсонлар қувончига қувонч қўшади. Унинг саҳнада бажараётган ишларига қараб мен доимо тааж-жубланаман ва бундай нозик, ўрта бўйли, ўзбек цирк санъатига улкан ҳисса қўшган чавандоз аёл қачон ва қаердан қувват олади, деб ўзимга ўзим савол бераман ҳам. Унинг жозибадор қўшиқ ва рақслари, айниқса саҳнада оқ кабутарларни ўйнатиши, улар билан бир мўъжизавий олам яратиши, фақат ўта меҳнаткаш, тиниб-тинчимас, ўз санъатига содиқ бўлган фидойи ва жасур чавандоз аёлдан келиши мумкинлигини ҳис этаман. Мен гоҳида Холидага қараб ҳавас қиламан ва ундан ўз ишим учун керакли ҳаётбахш нурларини оламан...»

Устоз Тамарахоним айтганларидек, бундай ҳаётбахш нурларни Холида Зарипова ҳеч кимдан аямасди. У эллик йиллик ижодий фаолияти давомида муносиб шогирдлар тайёрлади. Ўзидан нурли ва ўчмас из қолдирди. Холида опанинг ўғил-қизлари, невара ва чевaралари бугун ўзбек миллий цирк санъатини бойитиб, унинг ривожига катта ҳисса қўшиб, мустақил она диёримиз ғурурини ва уни булоқдай тоза ва ярқираб турган маданиятини баланд чўққиларга олиб чиқмоқдалар.

Бетакрор истеъдод соҳибаси ўз фаолияти ва меҳнати борасида ўзига ўлмас ҳайкал қўйди — у Зариповлар сулоласини янада мустаҳкамлади ва бойитди. Унинг меҳнати ва изланишлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилган ҳамда «Шуҳрат» медали, «Дўстлик» орденига сазовор бўлган эди.

Мен Холида опа билан учрашиб, жуда кўп суҳбатлашганман. Лекин охирги суҳбат (бу суҳбатга ҳали беш-олти ой ҳам бўлмади) умрбод менинг ёдимда сақланиб қолади. Кеч, ғира-шира, энди қоронғи тушаётган ва осмонда биринчи юлдузлар пайдо бўлаётган вақт эди. Опа ҳовлида жойлашган сўрида ўтириб, осмонга қараб шундай дедилар: «Аҳмаджон ука, жуда бахтли инсонман, мени бу ҳаётда ҳеч қанақа армоним йўқ. Ўғил-қизларим, невараларим ўз она-юртига, нон-туз берган халқига беминнат хизмат қилиб, миллий маданиятимизни қўлларидан келганча ўз елкаларида, ўз кафтларида кўтариб ва ардоқлаб ўзбек цирк санъатини жаҳонга ёймоқдалар. Мен ҳар бир онага ўхшаб, болаларим омон бўлсин, юртим тинч бўлсин, дейман. Осмонимизни ҳеч қачон мана шундай ёрқин юлдузлар тарк этмасин. Мен ўз ҳаётимдан, сиздан ва ҳамма-ҳаммадан розиман...»

Холида опанинг юрагидан отилиб чиқаётган шу гапларни эшитиб, унинг нозик, шоирона қўл ҳаракатларини кузатиб, ўша дақиқаларда Холида опа мен билан охирги марта учрашаётганини ва хайрлашаётганини, қандайдир ички бир ҳиссиёт билан сезардим ва кўз олдимда аста-секин буюк инсон ва буюк она сиймоси гавдаланар эди. Шундай буюк инсон ва буюк она сиймоси менинг қалбимда Холида опа Зарипова тимсолида муҳрланиб қолди. Ҳа, Холида Зарипова шундай улуғ ва буюк инсон бўлган. У бутун умрини, меҳнатини халқига бахшида этган. Шундай инсонлар ҳаётда бўладики, улар йўқлигида ҳам қалбимизда умрбод, абадий сақланиб қоладилар. Биз уларга доимо талпиниб ва интилиб яшаймиз.

**Аҳмаджон РАҲИМОВ,**
**санъатшунос**

***Маълумки, Франция терма жамоаси футбол бўйича 1998 йилги жаҳон чемпионатида олтин медалларга эришган эди. Орадан икки йил ўтиб французлар Европа чемпионати ғолиблигини ҳам нишонлашди. Ушбу таркибда Эммануэл Пети ҳам бор бўлиб, уни яхши танийсиз. Пети футболчилик фаолияти давомида «Монако» (Франция, 1985-1997)» «Арсенал» (Англия, 1997-2000), «Барселона» (Испания, 2000-2001) «Челси» (Англия, 2001-2005) жамоалари таркибида тўп суриб, қатор ғалабаларга ўз ҳиссасини қўшган. Бунга мисол қилиб унинг «Монако» таркибида Франция чемпиони ва кубоги соҳиби, «Арсенал»да эса Англия премьер-лигаси олтин медаллари эгасига айланганини айтиш мумкин. Петининг моҳир ярим ҳимоячи эканлиги, шунинг билан бирга жамоалари учун муҳим бўлган тўпларни киритганига кўп бора гувоҳ бўлганмиз. У футболчилик фаолиятини тугатгач, футболдан йироқлашмади. Футбол менежерлари тайёрлаш мактабида таҳсил олиб, халқаро футбол менежери сертификатини олди...***



# ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ЭММАНУЭЛ ПЕТИ ТОШКЕНТГА НЕГА КЕЛДИ?

Энди гапни ўзимиз томонлардан давом эттирсак. 2006 йил Тошкентнинг «Қурувчи» футбол жамоаси мамлакат чемпионати 1-лигасида ўз дебютини бошлади ва муваффақият қозониб, шу йилиёқ олий лигага йўлланмани қўлга киритди. 2007 йил бошидан эса «Қурувчи» футбол клуби раҳбарлари олий лигага шунчаки чиқмаганликларини исботлаш учун жамоа таркибига етакчи футболчиларни жалб эта бошлашди. Бир вақтлар миллий терма жамоамиз дарвозасини қўриқлаган, 1996 ва 1997 йилларда Ўзбекистоннинг энг яхши футболчиси, деб топилган дарвозабон Павел Бугало, моҳир ҳимоячилар Бахтиёр Ашурматов ва Сергей Лушан, истеъдодли ярим ҳимоячи Шавкат Саломов, тўпурар ҳужумчилар Марат Бикмаев, Владимир Шишелов «Қурувчи» таркибини сезиларли равишда кучайтириши аниқ. Мана бугун ўз олдига юксак мақсадларни қўйган «қурувчилар» жамоасига жаҳон ва Европа чемпиони Эммануэл Пети ҳам ташриф буюрди. Хўш, машҳур мозий юлдузи Ўзбекистонга нима учун келди? Биз ушбу савол билан «Қурувчи» футбол клуби матбуот котиби Аброр Имомхўжаевга мурожаат қилдик.

— Биз «Қурувчи» жамоасини кучайтиришга ўз кўмагини бериши мумкин бўлган хорижлик мутахассисни излаётгандик. Ўз навбатида Пети ҳам футболи ривожланаётган мамлакатларнинг янги ташкил топган клубларини шакллантиришга ўз ёрдамларини бериш, менежерлик фаолиятини бошлаш режасида юрган экан. Бизнинг режамиздан бохабар футбол мутахассислари Петига «Қурувчи» жамоасининг мақсадлари ҳақида айтишибди ва у клуб билан танишиш учун Тошкентга келди.

— *У «Қурувчи»нинг машғулотларини кузатдими?*

— Ҳа, Эммануэл Пети машғулотларни кузатиб, янги тузилган жамоа бўлса—да, унда яхши, тажрибали футболчилар йиғилганини таъкидлади. Шунинг билан бирга, у жамоа ўйинини кучайтириш учун ўз фикр—мулоҳазаларини ҳам билдириб ўтди. Пети мураббийлар ҳақида ҳам илиқ фикрлар билдирди.

— *Пети жамоа билан шартнома имзоладими?*

— Йўқ, у ҳозирча фақат жамоа билан танишиб кетди. «Қурувчи» клубини кучайтириш учун нималар қилиш лозим? Балки жамоа мураббийларини Европага олиб бориб ўқитиш лозимдир? Ёки ёш футболчиларни Европа футбол мактабларига олиб бориб ўқитиш керакми? Европадан ўйинчилар олиб келиш ёхуд бошқа ишларни амалга ошириш, бир сўз билан айтганда Пети юқоридаги ишларни чуқур ўрганиб чиқади ва «Қурувчи» учун махсус дастур тузади. Шундан сўнг у яна Тошкентга келади ва ўз режасини тақдим этади. Агар Петининг дастури клуб раҳбарларини қаноатлантирса, шундан сўнг томонлар ўртасида шартнома тузилади ва ўша лойиҳа амалга татбиқ этилади.

Ўзбек футболида янги саҳифалар очилиш онлари ҳам яқин. «Қурувчи», «Пахтакор», «Машъал» каби клубларимизнинг замонавий профессионал футбол клублари ташкил этиш борасидаги изланишлари мамлакат футболини ривожлантиришга қаратилган Президентимиз Қарорлари ижросига тўла мос келади, деб ўйлаймиз ва улардан мухлисларни шод этадиган ўйинларни кутамиз.

«Қурувчи» жамоаси мутасаддилари Эммануэл Петининг Тошкентга ташрифи пайтида француз футболчиси ва Оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани ҳам ташкил этишди.

*Савол: Ўзбекистон ҳақидаги илк таассуротларингиз қандай?*

Пети: Икки ҳафта муқаддам Лондонда танишларим «Қурувчи» жамоасининг режалари ҳақида гапиришди ва мен ўйланмай бу клуб билан танишиш мақсадида юртингизга келдим. Юртингизда спортга, футболга берилаётган катта эътибор, бу борада чиқарилаётган Қарорлар, қилинаётган ишлар мени қувонтирди.

*Савол: «Қурувчи»нинг машғулотларини кузатдингиз. Таассуротларингиз...*

Пети: Футболчиларнинг ҳатти—ҳаракати, жисмоний ҳолатлари қониқарли. Сизда жамоавий ўйинга алоҳида эътибор берилар экан. Ўйинчиларингиз якка тартибда, индивидуал маҳоратини ишга солиб, ҳаракатланишни унча татбиқ этишмас экан. Ҳозирги замонавий футболда бу жуда муҳим.

Аммо бу менинг биринчи машғулотдан олган илк таассуротларим холос.

*Савол: Футболга XX асрда «миллионлар ўйини», дея таъриф берилганди. Йигирма биринчи асрга келиб футбол миллионерлар, қўшиш керак бўлса, миллиардерлар ўйинига айланиб кетгандек. Нима дейсиз?*

Пети: Сиз ҳақсиз. Айни пайтда футбол катта даромад манбаига айланган. Футболчиларга тўланаётган пуллар, трансфер нархлари, рекламадан тушадиган фойдалар... Бу йигирма биринчи асрга келиб авж олиб кетди.

*Савол: Бирор жамоада мураббийлик қилиш фикрига қандай қарайсиз?*

Пети: Бирор клубда мураббий бўлиб иш бошласангиз, деярли бутун вақтингизни ўша жамоа билан ўтказишингиз талаб этилади. Ҳаётингиз сафарларда ўтади. Мен эса ҳозир асосий эътиборимни оиламга қаратишни мақсад қилганман ва менежерлик иши маъқул.

*Савол: Ҳозир Франция телевидениеси учун Англия премьер—лигаси ўйинларини шарҳлаб бераётган экансиз. Агар мабодо, илтимос қилишса «бугунги Ўзбекистон ва БАА олимпия терма жамоалари ўйинини шарҳлармидингиз?*

Пети: Шарҳловчилик қилишга қийналмайман. Агар футболчиларни таниганимда бу таклифга рози бўлардим. Аммо танимай туриб шарҳлаш, сал қийинроқ бўлар, деб ўйлайман. Масалан, «тўп ўзбекларда, уни араблар олиб қўйишди, яна ўзбек ҳимоячиси тўпни эгаллади» қизиқ-а.

# АРАБЛАР АЙЁРЛИК ҚИЛИШМАДИ

Эммануэл Пети Ўзбекистон—БАА олимпия терма жамоалари ўйинини шарҳламаса—да, учрашувни бевосита «Пахтакор» стадионида ўтириб томоша қилди.

2008 йил Пекин шаҳрида ўтадиган навбатдаги ёзги Олимпиадага йўлланма олиш учун курашаётган терма жамоалар иккинчи босқични ҳам бошлашди. Вакилларимизнинг БАА, Жанубий Корея ва Яман терма жамоалари билан бир гуруҳдан ўрин олганидан хабарингиз бор.

БАА билан илк ўйинимизда етакчи ярим ҳимоячимиз Виталий Денисов сариқ карточкалари туфайли майдонга тушолмасди. Мураббийларимиз унинг ўрнига истеъдодли ярим ҳимоячи Садриддин Абдулаевни синаб кўришди.

Марҳамат, таркибимиз билан танишинг: Азиз Ашуров, Аҳрол Рисқуллаев, Лутфулло Тўраев, Нодир Қўзибоев (Азиз Ҳайдаров, 45), Анзур Исмоилов, Одил Аҳмедов, Шавкат Саломов (Камолиддин Мурзоев, 62), Марат Бикмаев, Александр Кдецков (Шавкат Муллажонов, 80), Баҳром Йўлдошев, Садриддин Абдуллаев.

Ўйиннинг биринчи бўлими 16—дақиқасида вакилларимиз бурчак тўпи тепишди ва Шавкат Саломов оширган тўпни Нодир Қўзибоев боши билан дарвозага жойлади. Гол жуда чиройли бўлганини таъкидлаш жоиз.

38-дақиқада эса меҳмонлар шундай қувончни нишонладилар. Ҳимоя чизиғимиздаги бўшлиқдан фойдаланган араблар комбинация уюштириб, ҳисобни тенглаштиришди— 1:1.



Мухлисларнинг кайфияти тушиб, хавотирланиши унча кўп чўзилмади. Чап қанотда жуда фаол ҳаракат қилаётган Садриддин Абдуллаев тўпни араблар жарима майдонига оширди. Шавкат Саломов эса тўпни боши билан дарвозага тўғрилади. Дарвозабон қайтарган тўпни эса Марат Бикмаев дарвозага жойлаб қўйди. 42-дақиқа—2:1

Иккинчи бўлимдаги асосий воқеа 53-дақиқада содир бўлди. БАА жарима майдончасига ёриб кираётган Марат Бикмаевни рақиб ҳимоячиси чалиб йиқитди ва пенальти. Аммо ярим ҳимоячимиз Одил Аҳмедов тепган тўп дарвоза тўсинига бориб тегди. Қолган дақиқаларда ҳар икки жамоа аъзоларининг ҳужумларини кузатдик. Аммо дарвозабонлар ўз ўрнида ишончли ҳаракат қилишди.

Шу ўринда қўшимча қилмоқчи эдикки, Ўзбекистон—БАА учрашувини Осиё футбол конфедерациясининг янги аъзоси, Австралия мамлакатидан келган М. Бирз, Б.Уилсон, М.Кримдан иборат ҳакамлар гуруҳи бошқаришди ва уларнинг ўйинни одилона бошқаришганини таъкидлаш жоиз.

Ўйиндан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида терма жамоамиз бош мураббийи Вадим Абрамов учрашув ҳақида шундай деди:

— Футболчиларимизда ҳаяжонланиш кузатилди. Бунинг таъсири пенальти бажарилганда ҳам кўринди.

—Кимнинг ўйинини алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?

— Кимнидир ажратиб кўрсатмоқчи эмасман. Бугун ғалабага ҳамма ўз улушини қўшди.

Ўз навбатида меҳмонлар жамоаси устози Алекс Дюпон (франциялик мутахассис) Ўзбекистон олимпия терма жамоасини ғалаба билан табриклади ва сўзига шундай қўшимча қилди: «Ғуруҳимизда Жанубий Корея термаси биринчи ўринга асосий даъвогар ҳисобланади. Иккинчи йўлланма учун қолган баҳс уч терма ўртасида боради. Ҳали ҳаммаси олдинда.

Учрашувдан олдин маҳаллий журналистлар мендан «Шогирдларингиз ўйинда араб футболига хос айёрона ҳаракатлар қилишмайдими?», деб сўрашган эди. Мана, кўриб турганингиздек, футболчиларим жуда тартибли ўйин кўрсатишди. Ҳакам қарорларига ҳам қаршилик қилишмади. Бу араб футболи учун жуда муҳим ва фойдали ўзгаришдир».

Пекин—2008 йўлланмаси учун бошқа гуруҳлардаги учрашувлар қуйидаги кўринишда якунланди.

«F» гуруҳи. Жанубий Корея —Яман-1:0.

«А» гуруҳи. Бахрайн —Покистон-8:0. Қатар—Қувайт-2:2.

«В» гуруҳи. Япония—Гонгконг -3:0. Сурия—Малайзия-3:1.

«С» гуруҳи. Уммон—Индонезия— 3:0. Вьетнам—Ливан-2:0.

«Д» гуруҳи. Эрон—Австралия - 0:0. Иордания— Саудия Арабистони-0:1.

«Е» гуруҳи. Ироқ—Ҳиндистон-3:0. Таиланд—КХДР-0:1.

2—тур учрашувлари 14 март куни бўлиб ўтади. Олимпиячиларимиз шу куни Яманда ушбу давлат футболчиларига қарши майдонга чиқишади.

Саҳифани Акмал АБДИЕВ тайёрлади

# Етти иқлим нафаси

## Талончи қизлар



«Bank of Amerika»нинг Жоржия штати бўлимида ўғирлик содир бўлди. Ниқоб сифатида фақат қора рангли кўзойнакдан фойдаланган икки нафар қиз машҳур супермаркетда жойлашган мазкур банк бўлими хизматчисининг ёнига келиб, зудлик билан барча пулни бериш тўғрисидаги талаб ёзилган қоғозни унга узатишади. Қўрқиб кетган хизматчи бор пулни қизларга топширгач, улар кула-кула кўздан ғойиб бўлишган. Энг қизиғи, қизлар ҳеч қандай қурол ишлатишмаган. Умуман, уларнинг қуроли бор-йўқлиги ҳам маълум эмас.

Пулнинг миқдори ҳақида ҳеч гап йўқ. Лекин полициячиларнинг гапига қараганда, у анча салмоқлига ўхшайди. Видеокузатув камерасидан олинган ёзувга қараганда қизларнинг ёши ўн олти-ўн еттиларда бўлиши керак. Гувоҳлар эса талончи қизлар машинада кетишдими ёки пиёдами, аниқ айтиб беришолмаган. Айни пайтда қидирув ишлари олиб борилмоқда.

## ПРОДИГА ИШОНЧ БИЛДИРИШДИ



Италия парламентининг юқори палатаси мамлакат бош вазири Романо Продига ишонч билдирди, дея хабар беради Frans Presse ахборот агентлиги.

Унинг номзодини қўллаб 162 нафар сенатор овоз берган. Қаршилар эса 157 нафар. Энди 67 ёшли сиёсатчини депутатлар палатасида худди шундай синов кутмоқда.

Маълумки, 2006 йилнинг апрел ойидаги парламент сайловларидан сўнг ҳукуматга келган Проди, шу йилнинг 21 февралида Сенат ҳукуматнинг ташқи сиёсат борасидаги резолюциясини рад этгач, истеъфога чиқишини билдирган эди.

Бироқ Италия президенти Жоржо Наполитано унинг истеъфосини қабул қилмай, ҳар икки палаталар кабинетига ишонч билдириш-билдирмаслик тўғрисидаги саволни қўйган эди.

## ҚОТИЛЛИКДА АЙБЛАНИШМОҚДА

***Дальнегорск мэрлигига номзод Дмитрий Фотьяновнинг ўлимига алоқадорликда айбланаётган Александр Федотов икки бор ўз жонига қасд қилган, дея хабар қилади PrimaMedia агентлиги.***




Приморск ўлкаси Адвокатлик палатасининг матбуот хизмати хабар беришича, Федотов доимий равишда қийноқ ва ҳақоратларга солинмоқда. Палатанинг бу ҳақда Приморск ўлкаси прокуратурасига қилган мурожаати эса ҳамон жавобсиз қолмоқда.

Федотов биринчи марта 18 феврал куни СИЗОда, иккинчи бор эса шу ойнинг охирида Владивосток яқинидаги 4-тезкор қидирув бўлими биносида ўз жонига қасд қилган.

Адвокатларнинг таъкидлашича, узлуксиз қийноқлар, ҳақоратлардан Федотовнинг тоқати тоқ бўлган ва энг сўнгги чорани қўллашга мажбур бўлган.

—Тергов ходимлари ҳали ҳам мижозимизга нисбатан муносабатларини ўзгартиришгани йўқ. Аҳвол шу даражада давом этаверса, яна бир инсон қурбон бўлиши мумкин, — дейишмоқда адвокатлар.

Эслатиб ўтамиз, Дальнегорск мэрлигига номзод Д.Фотьянов 2006 йилнинг ноябрида, сайловларнинг учинчи тури арафасида отиб ўлдирилганди. Приморск ўлкаси прокуратураси уч нафар гумонланувчига нисбатан жиноий иш қўзғаган. Булар — Д.Фотьяновнинг сайловолди рақибининг штабига алоқадор дальнегорсклик тадбиркорлар Александр Федотов ва Константин Долгов ҳамда микроавтобус ҳайдовчисидир. Айнан унинг бошқарувидаги микроавтобусдан Д.Фотьяновга қарата ўқ отилган.

## ЭНЕРГИЯ ТАНҚИСЛИГИ



Тожикистон энергия ташкилотлари мамлакат шимолида жойлашган, қарийб 2 миллион аҳолиси бўлган Суғд вилоятига узатилаётган табиий газ ва электр энергияси миқдорини қисқартириди, дея хабар беради «Азия-Плюс» ахборот агентлиги.

«Тожикгаз» давлат ташкилоти раиси Фатхиддин Мухсиддиновнинг таъкидлашича, табиий газ узатилишининг чекланишига истеъмолчиларнинг табиий газдан ҳаддан ташқари катта қарзи мавжудлиги сабаб бўлган. Унинг сўзларига қараганда, айни пайтда вилоятнинг табиий газдан умумий қарзи 57,8 миллион сомоний (қарийб 18 миллион АҚШ доллари)ни ташкил этади.

— Агар бир ҳафта олдин вилоятнинг маъмурий маркази ҳисобланмиш Хўжанд шаҳри соатига 14 минг кубметр газ олган бўлса, — дейди «Суғдгаз» компанияси раҳбари Аловуддин Низомов, — айни пайтда бу рақам 8,5 минг кубметрни ташкил этмоқда. Газнинг бу миқдори ишлаб чиқариш корхоналари ва шаҳар аҳолисининг 10 фоизинигина таъминлашга етади, холос.

Шунингдек, вилоятда электр энергияси узатиш бўйича ҳам қаттиқ назорат ўрнатилган. Фақат муҳим аҳамиятга эга бўлган иншоотларгагина узлуксиз электр энергияси узатилмоқда. Шаҳар аҳолисига эса бир суткада уч соатгагина электр узатилмоқда. Қишлоқлар эса батамом электрсиз қолган.

«Барки Тожик» («Тожикистон энергияси») компанияси раҳбари Шарифхон Самиевнинг айтишича, Нурек ГЭС сув омборидаги сув миқдори кескин камайиб кетиши сабабли электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми пасайган.




## «НЕГР» ДЕБ КЎР-ЧИ...

Нью-Йорк муниципалитети шаҳар аҳолисига «негр» сўзини ишлатишни маън этди, дея хабар беради Reuters ахборот агентлиги. Ушбу таъқиқни бузиш ҳеч қандай жарима тўлашга олиб келмайди. Бироқ кейинги пайтда кўча жаргони, қолаверса, хип-хоп мусиқа йўналишида ижод қилувчиларнинг қўшиқлари матнида ва комикларнинг репертуарларида ушбу сўз инсонни масхара қилиш, устидан кулиш маъносида ишлатилаётгани бунга сабаб бўлган. Айтиш мумкинки, қарор рамзий маънога эга.

Хужжатда айтилишича, «негр» сўзи илк бор 1786 йилдан бошлаб ёзма ҳолда қулдорларнинг африкалик қулларни ифодалаш мақсадида ишлатилган.

Таъқиқ тарафдорларининг таъкидлашларича, бу сўз уни ким ишлатишидан қатъий назар, у қора танли рэппер бўладими ёки оқ танли комикми, барибир ҳақоратомузлилигича қолади.

Қора танли комик Крис Рок эса сиёсатчилар бу каби таъқиқлар билан ҳақиқатан ҳам муаммо бўлиб турган бошқа муаммолардан аҳолини чалғитишмоқчи эканлигини таъкидламоқда.

Ташкилотчилар эса бўш келмаяпти. Аксинча, улар Америка овоз ёзиш академиясига мурожаат қилиб, қўшиғининг матнида ушбу сўз ишлатилган қўшиқчини «Грэмми» мукофотига тақдим этмасликни сўраб мурожаат этишган.

## ҒАРОЙИБ ЎҒРИ

***Эстониядаги «Falck» қўриқлаш ташкилотининг хизматчилари икки кун ичида Таллин шаҳри марказида жойлашган савдо марказларидан бирида ўғирлик содир этган шахсни уч бор қўлга олиб, полицияга топширишди. «Postimees» газетасининг ёзишича, ҳар учала ҳолатда ҳам жиноятчи дўкондан косметик буюмларни пулини тўламай олиб чиқиб кетишга уринган.***

***Илк бор бу шахс Кристиин туманида очилган косметика билан савдо қилувчи дўконга кириб, чўнтагига 774 крон (қарийб 65 АҚШ доллари)лик косметик буюмларни солиб, пул тўламай чиқиб кетишга уринади. Аммо қўриқлаш хизмати ходимлари буни пайқаб қолишиб, ўғрини полицияга топширишади.***

***Бироқ шу куннинг ўзида кечга яқин айнан шу шахс шаҳар марказидаги дўконлардан бирида яна қўлга олинади. Бу сафар у 248 кронлик косметик буюмларни ўмармоқчи бўлганди. Ғаройиб ўғрини яна полицияга топширишади.***

***Дунёнинг ишларини қарангки, эртаси куни ушбу шахс яна бир бор омадини синаб кўришга аҳд қилади. Энди у 189 кронлик буюмларни ўмараётганида қўлга олиниб, полицияга топширилди. Афсуски, воқеанинг кейинги ривожи ҳақида газета ҳеч қандай маълумот бермаган. Бизнингча, бу сафар унинг қилмиши жиддийроқ жазога муносиб кўрилган бўлса керак. Ахир, сабрнинг ҳам чегараси бўлади-да.***

## ТЕРАКТГА АЛОҚАДОР

**Марокаш қамоқхонасида сақланаётган махбуслардан бири 2004 йил 11 мартда Мадрид шаҳрида содир этилган терактларга алоқадорликда гумон қилинмоқда.**

**Испан криминалистлари Абдуллоҳ Хризга тегишли тўқималар нусхасини генетик экспертизадан ўтказишганидан сўнг шундай хулосага келишди. Бироқ расмий Мадрид унинг топширилишини талаб қиладими, йўқми ҳозирча маълум эмас.**

**Бир вақтнинг ўзида Буюк Британия Олий суди 40 ёшли Испания фуқароси Мутоз Алмаллоҳ Дабасни ўз ватанига қайтариш тўғрисида қуйи инстанция суди чиқарган қарорни маъқуллаган. Испания ҳукумати уни мамлакатга тегишли поезд ва вокзалларда терактлар содир этган, оқибатда 191 нафар инсоннинг қурбон бўлишига сабабчи бўлган террорчиларга ёрдам берганликда айбламоқда.**

**Эслатиб ўтамиз, айни пайтда ушбу иш юзасидан 29 нафар шахс тергов қилинмоқда.**



Архитектура, проекты и строительно ремонтных работ. Ф/о любая.
Тел: 340-99-37

## Сўранг, жавоб берамиз!



*Машҳур Пиза минораси ҳақида кўп эшитганман. Аммо ҳеч тушунолмайман, у нега «қулаётир»?*
*Ўктам АЗИЗОВ, Ховос тумани*

Мабодо, Пиза шаҳридаги минора ҳатто «қулаб тушаётган» бўлса ҳамки, у барибир мўъжизалигича қолаверади.

Минора 8 қаватдан иборат бўлиб, баландлиги 54,5 метрга етади. Юқорисига 300 пиллапоядан иборат зинапоядан чиқилади. Миноранинг энг юқори қисмига чиққан кимса шаҳар ва денгизнинг латофатли манзарасини кузатишга муяссар бўлади.

Ҳақиқатан ҳам миноранинг юқори қисми вертикал-тик ўқдан 5 метрга оғган. Бошқача айтганда, у «қулаётир». Агар минора тепасига чиқиб пастга тош ташласангиз, у минора пойдеворидан 5 метр нарига тушади.

Хўш, минора нега «қулаётир»? Бу саволга аниқ жавобни ҳеч ким билмайди. Минора қурилиши 1174 йилда бошланиб, 1350 йилда якунланган. Унинг пойдевори қумга ўрнашган. Эҳтимол, айнан шу ҳолат унинг «қулай бошлаши»га сабаб бўлгандир. Бу ҳол учта қават ёки учта галерея қуриб битказилган кезлардаёқ бошланган эди. Лойиҳа жиндай ўзгартирилади ва иншоот «тўғриланади». Аммо бу ҳам ёрдам бермади. Охирги юз йил ичида минора 0,3 метрга қийшайган. Муҳандислар минорага «оғма» дея тўғри ном берилган деб ҳисоблайдилар, шунданми, улар минора бир кунмас-бир кун барибир ағанаб тушишига ишонадилар.

## ТИНИБ-ТИНЧИМАГАН ОДАМЛАР...

Машҳур «Мафтунингман» фильми қаҳрамонининг «Тиниб-тинчимаган одамлар-эй, нималарни ўйлаб чиқаришмайди-я» деган соф ўзбекона лутфини барчамиз ёддан биламиз. Рост, бугун инсоният XXI асрда яшаётган бўлса ҳам, ҳали бизни ҳайратга солувчи, беихтиёр юқоридаги фильм қаҳрамонининг лутфини такрорлашга мажбур қилувчи ҳодисалар кунда бўлмаса-да, кунора учраб турибди.

Хитойлик олимлар каптар миясига микроэлектрод ўрнатишга муваффақ бўлишди. Бу эса уни масофадан бошқариш имкониятини беради.

Шаньдун вилоятининг фан ва технология университети мутахассислари худди шундай операциядан сўнг масофадан бошқарувчи пульт ёрдамида каптарни ўнг ва чапга, юқори ва пастга учишга «мажбур» қилишга эришдилар. Лойиҳа бошлиғи Су Хуэчэн бундай илмий тажриба дунёда биринчи бор хитойлик мутахассислар томонидан амалга оширилганлигидан мамнун эканлигини яширмади. Каптардан ташқари худди шундай тажриба сичқонда ҳам синалган ва кутилган натижага эришилган. Ихтиро муаллифлари мазкур янгилик яқин келажакда амалиётда қўлланилишини билдиришган. Аммо айнан қандай мақсадларда эканлигини ҳозирча сир тутишмоқда.

## Жумбоқ

**САВОЛ:**
**Ота билан ўғилни автомашина уриб кетди. Уларни турли касалхоналарга олиб кетишди. Болани операция қилишаётган пайтда жарроҳ «Мен операция қила олмайман, чунки бу менинг ўғлим» деб қолди. Бу қандай бўлиши мумкин?**

ЖАВОБ:
Жарроҳ аёл киши, айни пайтда боланинг онаси эди.

## Йўғ-э!

*Катта ёшдаги америкаликларнинг еттитадан биттаси ўз мамлакатларини дунё харитасидан кўрсата олишмас экан.*

## Бир куни Афанди...



Афандининг хотинини кечаси тўлғоқ тутди. Афанди чироқ ёққунча бола туғилди. Ноилож қўшни дояни чақирди. Қўшни доя келгунча яна бир бола туғилди. Афанди шоша-пиша чироқни ўчирди.

— Нега чироқни ўчирдингиз, — деб сўради доя.

— Шунинг ўзи бас,— деди тутоқиб Афанди. — Умрида чироқ кўрмаганларнинг қаторлашиб чиқишини кўрмайсизми!

## Афоризм

*Кундузи шундай иш тутгинки, тунда хотиржам ухлашинг мумкин бўлсин. Ёшлигингда шундай йўл тутгинки, бир кун келиб кексаликни хотиржам қарши ололгин.*

**Ҳинд халқ мақоли**

## Изоҳи сиздан...





— Уйдан кетмоқчиман.
— Нега?
— Соҳибимнинг лақаби ит экан, битта уйга битта ит етади-да!

Холназар ЖЎРАБОЕВ,
Фарғона шаҳри

Ўзим кичик бўлсам-да,
Амалим сендан катта.
Парво қилма, кўп акилласам,
Оқ ит, қора ит, барибир ит-да.

Ҳ.НУРПЎЛАТОВ
Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Сижжак қишлоғи

О, муҳаббат бунчалар куйдирмасанг,
Мен «Граф»га — «Лайча»ни суйдирмасанг.
Ўйланмаган юракни ўйлатасан,
«Вов» демаган «Вафо»ни куйлатасан.
Садоқатда билсангиз ягонаман,
О, муҳаббат бунчалар бедаъвосан,
Мен ҳам бугун қўшиқда куйланаман,
Отам рози бўлсалар уйланаман.
О, муҳаббат бунчалар фусункорсан,
Дунё борки, қалбимда мудом борсан.

Рустам САТТОРОВ,
Наманган шаҳридан

— Ўзинг келишган, доно ит бўлганинг билан божхона махсус хизматига ишга олишимиз учун, бўйинг бир оз калта экан, ҳозирча товуқ фермада ишлаб турасан.

Асалхон МЎЙДИНОВА,
Янгиқўрғон туманидаги 4-мактабнинг 6-синф ўқувчиси

— Японларнинг итлари ҳам кичкина бўлар экан-да, а?...

Моҳинур КОМИЛЖОНОВА,
Қибрай тумани

Савол:
Бунча ҳам кичкинасан,
Кўзим ҳам илғамайди.
Катталарнинг олдида,
Салом бергинг келмайди.

Жавоб:
Саломимни эшитмай,
Кўп керилманг, амаки.
Қорайиб ҳам кетибсиз,
Чекавериб тамаки.

Ҳанифа РЎЗИМАТОВА,
Тўрақўрғон тумани



Энг яхши, энг қувноқ изоҳ эгасига махсус совғамиз бор. Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

**Феврал ойида чоп этилган изоҳлар ичида энг қувноқ деб наманганлик мухлисимиз Рустам Сатторовнинг изоҳлари топилди. У кишидан таҳририятимизга келиб, махсус совғани олиб кетишини илтимос қиламиз.**

## Мунажжим башорати

**(26 феврал – 4 март)**



**ҚЎЙ.** Бу ҳафта сиз учун март ойининг энг яхши ҳафталаридан бири бўлиб қолади. Сизни қимматбаҳо совғалар кутмоқда. Тадбиркорлар эса фойдали шартномаларни имзолашга эришишади. Душанба ва чоршанба харид учун қулай. Дам олиш кунлари уйда ўтиргандан кўра, сафарга чиқиб, табиатдан баҳра олишни маслаҳат берамиз.



**БУЗОҚ.** Душанбада нафақат ишингиз доирасида, балки, бошқа жамоат ишларида ҳам ўз иқтидорингизни намоён этасиз. Ҳафтанинг биринчи ярмида қимматбаҳо буюмлар харид қилишингиз мумкин. 8 ва 9 март кунлари ўзингизни оилангизга бағишланг. Бироқ дўстлар билан муносабатда бироз дилхираликлар бўлиши мумкин.



**ЭГИЗАКЛАР.** Баҳор ушбу бурж вакилларига ўзгача таъсир қилади. Янги-янги режалар туғилиши, катта ишларга қўл уришингиз кутилмоқда. Душанба, сешанба ва чоршанба кунлари юлдузлар муҳаббат бобида сизга ҳомийлик қилишади. Дам олиш кунлари спорт билан шуғулланиб, дўстлар даврасида ҳордиқ чиқаринг.



**ҚИСҚИЧБАҚА.** Юлдузлар сизга ёқимли лаҳзаларни ваъда қилишмоқда. Сиз шу чоққача хавотирга солиб келаётган барча масалаларда ижобий янгиликлар эшитасиз. Ҳафта узоқ сафарлар учун ҳам омадли. Ҳуқуқий ва руҳшунос маслаҳатларида бўлсангиз, кейинчалик фойдасини кўрасиз. Якшанбада дўстингиз дам олишга таклиф этса, рози бўлинг.



**АРСЛОН.** Сизни ёқимли таассуротларга бой ҳафта кутмоқда. Узоқ айриликдан сўнгги учрашув руҳингизга тетиклик бағишлайди. Бироқ ишдаги рақибларингизга қарши жиддий курашишингизга, хафа бўлманг-у, байрам куни ҳам қандайдир муаммони ҳал этишингизга тўғри келиши мумкин. Ҳафта охирида оилангиз бағрида мириқиб дам оласиз.



**ПАРИЗОД.** Келаётган ҳафта кутилмаган воқеаларга бой бўлса-да, сиз учун омадли бўлиши кутилмоқда. Эски мажбуриятлардан халос бўласиз. Ўзгаришларга бўлган ҳаракатларингизни қўллаб-қувватловчи дўстлар пайдо бўлади. Жумада йирик молиявий таклиф тушади. Бироқ чуқур мулоҳаза қилиб, сўнг қарор чиқарганингиз маъқул.



**ТАРОЗИ.** Сиз ҳеч шубҳасиз ҳафта қаҳрамонига айланасиз. Биринчи уч кунлик айниқса фаол кечади. Янги ҳамкорлар орттирасиз, шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этасиз. Пайшанба куни саволларингизга тайинли жавоб олмасангизда, байрамни ажойиб тарзда нишонлайсиз. Умуман, ҳафта иш ва яратувчанлик борасида омадли кечади.



**ЧАЁН.** Душанба ўйлаб юрган режаларингизни амалга оширишни бошлаш учун қулай. Қолаверса, иқтидор ва билимингизни амалда қўллаш вақти келди. Пайшанба ва жума кунлари соғлигингизга эҳтиёт бўлинг. Байрам куни совға бериш ва олишни кечқурунга қолдиринг. Зиддиятли ҳодисалар содир бўлиши мумкин.



**ЎҚОТАР.** Ўз истеъдод ва маҳоратингизни намоён этиш вақти келди. Душанбадан жумагача воқеалар кескин тус олиши мумкин. Шу вақт мобайнида ўтган ойдан қолиб кетган ташвишлардан ҳам қутуласиз. Байрам куни аёлингизнинг кўнглига қаранг. Дам олиш кунлари эса янги ғоялар туғилиши кутилмоқда.



**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Шахсий ҳаётингизга эътиборлироқ бўлинг. Душанбада дўстингиздан ёқимли хабар эшитасиз. Сешанба куни иш юзасидан бўлажак таклифларга асло рози бўлманг, чунки сиз учун зарарли бўлиши мумкин. Муаммоларингизни якка ҳолда ечишга ҳаракат қилманг. Дўстлар кўмагига таянинг. Фойдасини кўрасиз.



**ҚОВҒА.** Ўзингизга бўлган ишончингиз ортади. Мазмунли ҳаёт кечириш истаги бош мақсадингизга айланади. Ҳафта охирида қизиқарли сафар ва учрашув кутилади. Дам олиш кунлари шахсий автомобил ёки компьютер харид қилиш учун омадли бўлади. Шанбада шаҳар ташқарисига чиқиб, кунни мазмунли ўтказинг.



**БАЛИҚ.** Ҳафта бошиданоқ буюк режалар сизга тинчлик бермайди. Ҳаётингизда жиддий ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Жума куни біровга ортиқча ваъда бериб юборишдан тийилинг. Дам олиш кунлари хонадонингиздаги буюмларнинг жойини ўзгартириш фикри туғилса, ҳеч иккиланмай ишга киришинг. Бу руҳиятингизга яхши таъсир қилади.

Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 153-52-78
Хатлар бўлими: 153-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар Ⓗ белгиси остида чоп этилади.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи муҳаррир - Н.Рафиқов
Навбатчи - Р.Сайдаҳмедова
Мусаҳҳиҳ - А.Ёрбеков

Саҳифаловчи-дизайнер: Ж.Юнусов, Ю.Михайловский.

Буюртма Г– 115 Тиражи: 19219

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 19.50

Сотувда эркин нархда 1 2 3 4 5 6 7 8